ОЗОД МЕҲНАТ ТАНТАНАСИ

Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида Пахта байрами тантаналари давом этмоқда

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши № 279 (13.235).

28 НОЯБРЬ 1965 йил ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ХОРАЗМ ТЎЁНАСИ

ҲОСИЛДОРЛИК 35 ЦЕНТНЕРГА ЕТДИ

УРГАНЧ. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан**). Машъал Хоразм области меҳнаткашлари «Пахта байрами» шарафига янги, катта ғалабага эришдилар. Она-Ватанга 350 минг тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан олинган қўшимча социалистик мажбурият шараф билан бажарилди. Область бўйича ҳосилдорлик 35 центнерга етказилди. Давлатга ўтган йилдагига қараганда 60 минг тонна кўп пахта сотилди. Машина терими плани анча ошириб адо этилди.

Урганч райони хўжаликлари гектаридан 36,5 центнердан ҳосил териб олдилар. Давлатга 81 минг тонна пахта сотган Хива райони улкан хирмонга энг кўп ҳисса қўшди. Шовот райони механизаторлари машина теримида ибрат кўрсатдилар. Улар ҳосилнинг учдан бир қисмини «зангори кема»ларда териб беришди. Илгари қолоқ ҳисобланган Гурлан районида ҳам 30 центнерлик марра эгалланди.

Янгариқ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози гектаридан 46 центнердан, кўпгина илғор хўжаликлар 40-45 центнердан, ўнлаб бригадалар 50-60 центнердан ҳосил олдилар. Областнинг атоқли пахта усталари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Юсупов, Тўра Раҳимов, Матёқуб Матпазаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 60 центнердан ҳам ошиб кетди.

Давлатга пахта сотиш давом этмоқда.

БУЮК ЯКУН

Ўзбекистон меҳнаткашлари партия XXI ва XXII съездлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, етти йиллик даврида КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли республика халқ хўжалиги ва маданиятининг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар.

Етти йиллик планнинг пахта етиштириш юзасидан 1965 йилга белгиланган топшириғи ошириб бажарилганлиги тўғрисида илгари хабар берилган эди. Республикада 28 ноябргача 3 миллион 880 минг тонна пахта тайёрланди.

Ўзбекистон саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда. Етти йил ичида саноат ишлаб чиқариш ҳажми тахминан 1,8 баравар ортади. Бу эса, КПССнинг XXI съезди тасдиқлаган контроль рақамларга тамомила мувофиқдир. Ўзбекистон саноати ходимлари етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ мусобақасини қизитиб юбордилар. Кўпгина корхоналар 1959 — 1965 йилларга белгиланган планларни бажариб бўлдилар.

Республика саноати пўлат, прокат, дизель, қувват трансформаторлари, центробеж насослари, компрессорлар, химия ускуналари, абразив асбоблари, экскаваторлар, трактор прицеплари, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, трактор культиваторлари, пахта териш машиналари, қишлоқ хўжалик машиналарига керакли запас қисмлар, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар, тунука, устки кийимлик трикотаж, гўшт, мол ёғи, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва крупа ишлаб чиқариш соҳасида етти йиллик планнинг контроль рақамларини муддатидан илгари бажарди.

Етти йиллик мобайнида оғир саноат ва биринчи навбатда бу саноатнинг пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган тармоқлари айниқса тез суръатлар билан ривожланди. Республиканинг машинасозлик саноати қишлоқ хўжалик машиналарини ва жумладан, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш юзасидан етти йиллиннинг контроль рақамларида 1965 йилга мўлжалланган даражага 1962 йилдаёқ эришди. 7 йил ичида контроль рақамлар топшириқларидан ташқари 15,2 мингта пахта териш машиналари, пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун 44 мингта трактор прицепи, 15,5 мингта трактор культиватори ва бошқа кўп машиналар ишлаб чиқарилади.

Химия саноати анча ривожланди. Фарғонадаги азотли ўғит заводи, Навоий химия комбинати қурилиб, маҳсулот ишлаб чиқара бошлади, Чирчиқ электрохимия комбинати, Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводлари реконструкция қилинди ва кенгайтирилди. Бунинг натижасида 1965 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 2,2 миллион тоннага етди ва 1958 йил даражасидан контроль рақамларда белгиланган 2 баравар ўрнига 2,2 баравар ортиб кетди.

Республикада электр энергияси ишлаб чиқариш ғоят ривожланди. Етти йиллик топшириқларига мувофиқ, 600 минг киловатт қувватли Тошкент ГРЭСи, 350 минг киловатт қувватли Навоий ГРЭСи, 48 минг киловатт қувватли Тахиатош ГРЭСи қурилди. Бу ГРЭСлар табиий газ билан ишламоқда. Арзон маҳаллий ёқилғи билан ишлайдиган 600 минг киловатт қувватли Оҳангарон ГРЭСи қурилиб бўлди. Шу йиллар ичида электр қуввати ўтказадиган қариб 4 минг километр узунлигида юқори вольтли линиялар қурилади. Бу — Совет ҳокимиятининг бундан аввалги ҳамма йилларида қурилган юқори вольтли линиялардан ортиқдир. 1965 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш 1958 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд ортади. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг энергияни кўп талаб қиладиган соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини ҳамда экономиканинг бошқа тармоқларини электрлаштириши яқин йиллар ичида тугаллаш учун шарт-шароит вужудга келтирилди.

Йирик газ индустриясининг вужудга келтирилганлиги халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Газ чиқариш 1958 йилдаги 126,4 миллион кубометр ўрнига 1965 йилда 16,1 миллиард кубометргача. ёки 130 баравар кўпаяди. Жами 785 километр узунлигидаги Жарқоқ — Бухоро — Самарқанд — Тошкент — Чимкент магистраль газ қувурлари ва 2 қаторли 2 минг километрдан кўпроқ узунликдаги Бухоро—Урал магистрал газ қувурлари қурилди. Урал саноати 1965 йилда Бухородан 11,45 миллиард кубометр газ олади; Қозоғистон ССР 630 миллион кубометр ва Тожикистон ССР 65 миллион кубометр газ олади. Республиканинг ёқилғи балансида газнинг салмоғи 1958 йилдаги 3,3 процент ўрнига 50 процентдан кўпроқ бўлади.

Рангли металлургия тез суръатлар билан ривожланди. 1964 йилдан бошлаб республикада тозаланмаган ва тозаланган мис ишлаб чиқарилмоқда. Рух заводи қурилмоқда. Бу завод 1968 йилда ишга туширади. Бу тармоқнинг маҳсулоти етти йилликда 6 баравардан зиёд ортди.

Бинокорлик материаллари саноати ҳам шундай тез суръатлар билан ривожланди. 1965 йилда маҳсулот ҳажми 1958 йилдагига нисбатан 3 баравардан зиёд кўпаяди. Оҳангаронда йилига 1 миллион 325 минг тонна цемент ишлаб чиқарувчи йирик завод қурилди, Қувасой ва Бекобод цемент комбинатлари реконструкция қилинди. 1965 йилда цемент ишлаб чиқариш 1958 йилдагига нисбатан контроль рақамларда белгиланган 4 баравар ўрнига 4,6 баравар ортади. Йиғма темир-бетон ва йирик панелли уйсозлик саноати янгидан вужудга келтирилди. Бу тармоқларнинг, шунингдек бинокорлик индустриясининг ривожланиши капитал қурилишни тез ривожлантириш учун зарур шароитларни вужудга келтирди.

Етти йиллик контроль рақамларида республика халқ хўжалигини ривожлантириш учун 3,5-3,6 миллиард сўм, яъни шундан аввалги етти йилликдагига нисбатан тахминан 2,4 баравар кўпроқ капитал маблағ ажратиш кўзда тутилган эди. Ҳақиқатда эса, етти йиллик мобайнида ажратиладиган капитал маблағлар 4,2 миллиард сўмдан кўпроқ бўлади. Бу — 1952—1958 йиллардагидан 2,8 баравар ортиқдир. Капитал маблағ ҳажми юзасидан КПСС XXI съезди тасдиқлаган контроль рақамлар республикада умуман муддатидан илгари бажарилди.

Хўжалигининг рангли металлургия, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, автомобиль транспорти, йўл хўжалиги ва алоқа каби тармоқларига ажратилган капитал маблағлар миқдори етти йилликда мўлжалланганидан ортиб кетди.

Узбекистон ССРда етти йилликда ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳисобига 450 тадан кўпроқ саноат корхонаси ва янги цехлар қурилиб ишга туширилди, ишлаб турган кўп корхоналар реконструкция қилинди ва кенгайтирилди.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИ БАЖАРИЛДИ

Етти йиллик мобайнида қишлоқ хўжалигига ажратилган капитал маблағлар миқдори кўп даража ортди.

1959 — 1965 йилларда сув хўжалиги қурилиши ғоят кенгайтирилди. Бу тадбирларга қариб 1 миллиард сўм сарф қилинди. Бу — аввалги етти йилликда бажарилган ҳажмдан 3 баравардан зиёд ортиқдир. Чимқўрғон, Жанубий Сурхон, Тошкент, Каркидон сув омборлари қурилиб фойдаланиш учун топширилди. Каттақўрғон, Косонсой ва Учқизил сув омборлари реконструкция қилиб, кенгайтирилди. Етти йиллик даврида сув омборларининг ҳажми 2 баравардан зиёд ортди. Аму — Бухоро, Аму — Қорақум ва Жанубий Мирзачўл каналлари, «Занг» канали, Эски Ангор канали, Дарёлиқ ва Озерний республикаларо коллекторлар қурилди. Етти йиллик мобайнида Мирзачўл ҳамда Қарши даштларида, Амударё этакларида ва Жанубий Сурхон сув омбори зонасида янги ерларни ўзлаштириш ҳамда суғориш соҳасида кўп иш қилинди. Халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ, транспорт ва алоқа ҳам ривожлантирилди.

Узбекистон экономикасидаги барча тармоқларнинг ривожланиши меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада оширишни таъминлади. Аҳолининг реал даромадлари кўпайди, жамоат истеъмол фондлари йил сайин ортиб бормоқда. 7 йил ичида (1959 — 1965 йиллар) 8,5 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланиш учун топширилади. Коммунал хўжалик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш янада ривожланди.

1965 йилда чакана товар оборoти ҳажми 1958 йилдагига нисбатан қариб 70 процент ортади. Бу — етти йилликнинг контроль рақамларига мосдир. Етти йиллик мобайнида фан ва маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришилди. Телевидение кенг ривожланди. Умумий таълим мактабларида ўқувчилар сони 2 миллион 450 мингга, ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчилар сони 98 мингга, олий ўқув юртлари студентларининг сони 165 минг кишига етди. Ана шу кўрсаткичлар бўйича етти йиллик контроль рақамлари анча ошириб бажарилди.

Болалар муассасалари ва медицина муассасалари, шунингдек маданий муассасалар шоҳобчаларини кенгайтириш соҳасида кўп иш қилинди. Давлатга қарашли мактабгача тарбия доимий муассасаларида болалар сони ҳозир 248 мингга етди. Бу — контроль рақамларда белгиланганидан 67 минг ортиқдир. Касалхоналардаги ўринлар сони контроль рақамларда кўзда тутилган 68,6 минг ўрнига 93 мингга етди.

1959 — 1965 йилларда оммавий ва махсус кутубхоналар, клублар, киноустановкалар, радио ва бошқа маданият муассасалари шоҳобчалари кўпайди. 1965 йилда Узбекистонда нашр этилаётган китоблар тиражи 27 миллион нусхани, журналлар тиражи 16 миллион нусхани ва газеталарнинг бир йиллик тиражи 385 миллион нусхани ташкил этди.

Узбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, партиянинг XXIII съезди шарафига етти йилликнинг охирги йили бўлган 1965 йил халқ хўжалик планини тўла ва ошириб бажариш учун мусобақани кучайтирмоқдалар.

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ДАВЛАТ ПЛАН КОМИТЕТИ

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

ШОЛИ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ҚПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани қулоч ёйдирган Хоразм области шоликорлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 9 минг тонна шоли сотилиб, йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига ташкил топган ихтисослашган хўжалик — «Хонқа» совхози мамлакатга 4.500 тонна шоли етказиб берди. Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози давлатга 2.800 тоннадан ортиқ шоли сотди. Шоли ҳосилини янчиш ва давлатга сотиш давом этмоқда.

ЕЗУВЧИ К. М. СИМОНОВ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

Совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 27 ноябрдаги Фармонига биноан ёзувчи Кирилл (Константин) Михайлович Симонов Ленин ордени билан мукофотланди. (ТАСС).

Республикамизнинг «оқ олтин» соҳибкорлари Пахта байрамини зўр шодиёналик билан тантана қилмоқдалар. Сиз фотомухбир С. Безносов йўллаган суратда Андижондаги шод-хуррамликни тасвирловчи манзарани кўриб турибсиз.

КРЕМЛДА КИНЕМАТОГРАФИЯ ХОДИМЛАРИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

СССР Кинематографчилар союзи правлениеси 26 ноябрда Катта Кремль саройининг Георгиев залида СССР Кинематографчилар союзининг биринчи таъсис съезди муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида К. Т. Мазуров, П. Н. Демичев, Ю. В. Андропов ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Ефремов, СССР маданият министри Е. А. Фурцева, СССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитетининг раиси А. В. Романов, съезд делегатлари — сценарийчилар, режиссёрлар, артистлар, кино танқидчилари, шунингдек чет эллик меҳмонлар, санъат усталари, журналистлар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

МАРИ ХАЛҚИГА ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ

ЙОШКАР-ОЛА, 27 ноябрь. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Мари АССР пойтахтида республикага Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Мари АССР халқ хўжалигини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари учун ҳукуматнинг ана шу юксак мукофотини олди.

Драма театрида саноат, қишлоқ хўжалиги вакиллари, фан ва маданият арбоблари, Татаристон, Чувашистон, Мордовия, Удмуртия, Бошқирдистондан, Горький ва Киров областларидан келган меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Тантанали йиғилишни Мари АССР Министрлар Советининг Раиси Т. И. Горинов очди.

Т. И. Горинов КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси РСФСР Министрлар Советининг раиси Г. И. Вороновга сўз берди. Тўпланганлар томонидан самимий кутиб олинган Г. И. Воронов катта нутқ сўзлади. Г. И. Воронов йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида республикага Ленин ордени топширди ва Мари халқини ҳукуматнинг юксак мукофоти билан табриклади.

ЛЕКТОРЛАР ЎЗ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

Тошкентда партия комитетлари ва «Билим» жамияти лекторларининг семинари беш кун давом этди. Бу семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уюштирди.

Семинар қатнашчилари КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорлари билан ва ҳозирги халқаро аҳвол билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан лекциялар тингладилар. Бир қанча машғулотлар лекторлик маҳоратини такомиллаштириш проблемаларига бағишланди.

Семинарда олимлар, партия ходимлари доклад ва лекция ўқидилар. (ЎзТАГ).

«КОСМОС-97» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1965 йил 26 ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-97» учирилди.

Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари мўлжалдагига яқин бўлган қуйидаги орбитага чиқарилди: Бошланғич айланиш даври 108,3 минут;

Ер сатҳидан максимал узоқлашуви (апогейда) 2100 километр;

Ер сатҳидан минимал узоқлашуви (перигейда) 220 километр; Орбитанинг оғиши 49 градус.

Йўлдош ичида илмий аппаратлардан ташқари орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема ҳамда приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисида Ерга маълумот бериб турадиган радиотелеметрик система бор.

Йўлдошдаги аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

«ЗАРАФШОН» ЗАРШУНОСЛАРИ

«Зарафшон» колхози далаларининг бир томони азим Мирзачўл билан туташиб кетган. Колхоз чўлқуварлари янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кенгайтириб, Янгиер — Жиззах тош йўлигача етиб бордилар. Ўтган йили «Пахтакор» совхозига келган йигитлардан бири ҳазиллашиб:

— Яхшиям шу тош йўл бор экан, бўлмаса зарафшонликлар бу томонга ҳам ўтиб кетишармиди, — деган эди.

Колхоз аъзолари давлатга пахта сотиш йиллик планини 16 октябрдаёқ бажариб, Жиззах пахта заводига 4.700 тоннадан зиёдроқ «оқ олтин» топширган эдилар. Мана бугун «Зарафшон» колхози азаматлари мажбуриятни ҳам ошириб бажариб, кузги-қишки тадбирларни амалга оширишга киришдилар.

Колхознинг пахтачилик тарихига бундоқ назар ташласангиз, бу ерда юксалиш сари дадил қадамлар ташланаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Агар 1962 йилда ҳар гектар ердан атиги 13 центнердан пахта етиштирилган бўлса, 1963 йили бу рақам 23 центнерга етди. Колхоз аъзолари бутун ҳар гектардан салкам 27 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Бу йилги меҳнат яна ҳам яхши самаралар берди: 1.800 гектар ернинг ҳар гектаридан олинган ҳосил 30 центнердан ошиб кетди.

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Усмонжон Азимов бошлиқ бригаданинг иши айниқса мақтовга лойиқдир. Бригада ҳозиргача 120 гектар майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб пахта топширди. Ҳосилнинг 90 процента машиналарда териб олиниб, ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Муҳаммади Аҳмедовни колхозчилар асил деҳқон боласи дейишади. Дарҳақиқат бунинг чуқур маъноси бор. Уни қаерга юборманг, ишни қойиллатади, ҳосилдорликни оширади. Одамларнинг ғозидан тушмайди, эътибор қозонади у. Ҳасангул участкаси кейинги икки-уч йил ичида қолоқ бўлиб қолган эди, планлар деярли бажарилмас эди. Худди шу участкага бу йил Муҳаммади Аҳмедовни бригадир қилиб юборишди-ю, ишлар юришиб кетди. Ёзда сув камчил бўлишига қарамасдан, ҳосил шундай қайнаб-тошдики, бригада аъзолари уни машина билан ҳам, қўл билан ҳам териб улгуролмай қолишди.

Машинада пахта териш бўйича шуҳрат тараётган Қурбонбой Мелиев ҳам мазкур колхознинг жонкуяр пахтакорларидан. У шу колхознинг Мирзачўлга туташ бўлган Кўкравот участкасида — Варот Отажонов бошлиқ бригадада меҳнат қилади. Бригада бу йил 80 гектар ерга чигит экиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Пахта топшириш планини колхозда биринчилар қаторида бажарди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб ҳосил топширилди. Чўлдан яқиндагина юлиб олинган ерда бунчалик юқори ҳосил етиштириш ўз-ўзидан бўлмади. Бригада аъзоларининг меҳнатсеварлиги ва ишлаб чиқаришда техникани кенг қўллаш — эришилган муваффақиятнинг асосий омили бўлди.

Пил бошида бу бригадага Қурбонбой Мелиев, Саттор Эшонқулов, Ўрзиқул Шермонов каби механизаторлар бириктириб қўйилганди. Бригада аъзолари ўртасида «уч оғайни ботирлар», деб ном олган бу азаматлар эрта кўклмдан то кузгача тинимсиз меҳнат қилиб, ғўза парваришини ўз вақтида ўтказдилар.

Улар теримда ҳам катта жасорат кўрсатишди. Қурбонбой Мелиев ўз машинаси билан мавсумда 200 тоннага яқин пахта териб берди. Шу сабабли ҳозир унинг номи оғиздан-оғизга кўчиб юрибди...

Зарафшонликларнинг энг яхши ишларидан бири шуки, улар бу йил ўзлари етиштирган пахта ҳосилини четдан бирорта ҳашарчи чақирмасдан териб олдилар. Улар бу ташаббус билан ўзларини ҳам, ҳашарчиларни ҳам ортиқча харажат, ташвишдан қутултирдилар. Ҳашарчи ўрнига машинага катта эътибор берилди. Колхоз далаларида бу йил 40 та «зангори кема» сузиб юрди. 2.500 тонна пахта ёки етиштирилган ҳосилнинг салкам ярми машиналар билан териб олинди.

Шундай қилиб, «Зарафшон» колхози аъзолари шонли партиямизнинг XXIII съездига муносиб совға тайёрладилар. Айни вақтда далаларга ҳосилнинг сўнгги граммлари йиғиштириб олинмоқда ва келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирланмоқда.

«Пахта байрами»низ қутлуғ бўлсин «Зарафшон» заршунослари!

О. ҲУСАЙНОВ,
Жиззах райони.

Фридрих Энгельс туғилганига 145 йил тўлди

УЛУҒ МУТАФАККИР

Бутун жаҳон меҳнаткашлари чуқур ҳурмат билан тилга оладиган улуғ зотлардан бири Фридрих Энгельсдир. Фридрих Энгельс ўзининг устози ва дўсти Карл Маркс билан ҳамкорликда пролетариатнинг жамиятни коммунистик асосда қайта қуриш учун курашида қудратли қурол бўлган илмий коммунизм назариясини ишлаб чиқди. У меҳнаткашлар иши учун, ер юзида адолат тантанаси учун курашни ўзи учун буюк бахт деб билди ва бутун ақл-идроки, заковатини ана шу улуғ ишга бахш этди.

Халқаро пролетариатнинг доҳийси ва устози бўлишдек буюк бахтга муяссар бўлган Энгельс ўз умрининг охирида Вена ишчилари ҳузурида сўзлаган нутқида «Агар мен эллик йил давомида ҳаракатга иштирок қилиб, бу йўлда бирон-бир иш қилган бўлсам, бунинг эвазига ҳеч қандай мукофот талаб қилмайман. Мен учун энг яхши мукофот сизларнинг ўзларингизсиз, Менинг мукофотим бутун дунёдир! Сибирнинг қамоқхоналарида, Калифорния олтин конларида, ҳамма ерда, то Австралиягача бизнинг ўртоқларимиз бор... Биз даҳшат солувчи бош давлатмиз, бошқа буюк давлатлардан кўра кўпроқ иш қила оладиган давлатмиз. Менинг ифтихорим ана шунда!» деган эди фахрланиб. У «буюк давлат» деб пролетариатнинг ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётган халқаро ҳаракатини кўзда тутган эди, албатта.

Маркс ва Энгельс кашф этган илмий коммунизм таълимоти пролетариатнинг куч-қудрати билан жаҳон тарихий тараққиётини янги изга буриб юборишда аниқ йўл кўрсатувчи компас бўлди. Маркс ва Энгельс таълимотига қадар пайдо бўлган назарияларнинг ҳаммаси айрим ижтимоий гуруҳларнинг ўткинчи манфаатларини акс эттирган бўлса, марксизм энг илғор ва энг революцион синф бўлган пролетариат туб манфаатларининг умумий сифатида жамиятдаги жуда катта кўпчиликнинг таълимоти ҳамда идеологиясига айланди. Маркс ва Энгельс таълимоти пайдо бўлиши билан ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг маънавий қуроли, моддий кучи бўлиб қолди. В. И. Ленин айтганидек, марксизм таълимоти жаҳон цивилизацияси тараққиёти бораётган асосий катта йўлдан бир четда пайдо бўлмай, аксинча инсоннятнинг илғор тафаккури қўйган масалаларга жавоб берди. Марксистик назариянинг тўғрилиги ва ҳақиқонийлигини революцион практика, халқаро революцион ҳаракат тажрибаси яққол тасдиқлади.

Маркс каби Энгельснинг бутун ҳаёт йўли ниҳоятда бебаҳо назарий фаолият билан революцион курашга бевосита иштирок этишни узвий, чамбарчас боғлашнинг буюк намунасидир. У йигирма тўрт ёшида «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» асарини яратди. Бу китобда пролетариат жафокаш синфгина эмас, балки сиёсий курашни авж олдириш орқали коммунизм идеалларини амалга оширишга қодир бўлган ижтимоий куч ҳамдир, деган фикрни биринчи бўлиб олга сурди. Энгельснинг буюк назариётчилик таланти ана шу асар орқали яққол намоён бўлган эди.

Унинг Маркс билан танишиши ва бир умрга маслакдош дўст бўлиб қолиши ва бошқа тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ҳам олдинда туради. Арманистоннинг кимё саноати эндиликда 140 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Бизда Арманистон учун тамоман янги ҳисобланган саноат тармоқлари, жумладан приборсозлик, радиоэлектроника, электроника вужудга келди ва тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шу билан бир қаторда бизнинг ер ости ва озиқ-овқат саноатига катта эътибор бермоқдамиз. Шунингдек бизнинг традицион маҳсулотларимиз бўлган — коньяк ва вино, консерва ва гилам, шоёи ва пойафзал ҳамда мебель ишлаб чиқариш ҳам кенгайди.

Арманистон жуда кўп халқаро биставкалар ва ярмаркаларнинг доимий қатнашчисидир. Чет элларда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларга талаб жуда катта бўлянти. 1957 йилда 20 мамлакатга мол чиқарган бўлсак, 1965 йилда етмишга яқин мамлакатга маҳсулот юбормоқдамиз.

Қишлоқларимизда юз берган ўзгаришлар айниқса қувончлидир. Қақроқ чўлларимизга каналлар очиб сув келтирдик. Водийларда ва чўллар ўрнида боғлар ва токзорлар яшнади, кенг галлазорлар вужудга келди. Об-ҳаёт чорвадорларга ҳам мадад берди. Республикадаги яйловларга сув келтириш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг март ҳамда сентябрь Пленумлари барча совет халқи қаторида Арманистон ишчи ва деҳқонлари учун ҳам ижодий меҳнат, ташаббускорлик, янги меҳнат зафарлари учун кенг истиқболлар очиб берди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтиришдек бу олижаноб ва катта ишда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларига олимларимиз актив ёрдам бермоқдалар.

Бундан 45 йил аввал республикада бирорта илмий муассаса йўқ эди, эндиликда Арманистонда юзга яқин илмий муассаса ишлаб турибди. Машҳур астрофизик академик Виктор Амбарцумян раҳбарлик қилаётган Арманистон Фанлар академияси Ватанимиздаги фан даргоҳларининг илғор отрядларидан бири ҳисобланади. Шунингдек республикада илмий тафаккурининг балоғатга етишида шубҳасиз катта роль ўйнади. Бу икки дўст, бу икки улуғ мутафаккир ўзларининг амалий ва назарий фаолиятларидаги ҳар бир олға силжишни бамаслаҳат ҳал этдилар. Улар «Муқаддас оила», «Немис идеологияси», «Коммунистик партия Манифести» сингари дурдона асарларни биргаликда ёздилар. Халқаро пролетар революцион партиясининг биринчи программаси бўлган «Коммунистик партия Манифести»да марксизм барқарор ва мукаммал таълимот сифатида баён этилди. Унда синфий кураш назарияси ва пролетариатнинг оламшумул-тарихий вазифаси асослаб берилди, партия ва унинг пролетариат синфий курашидаги етакчи роли, социалистик революция ва пролетар диктатураси, пролетар интернационализми принциплари баён этилди. Энгельс ёзган «Коммунизм принциплари» ана шу классик асарнинг проекти эди.

Вазият тақозоси билан узоқ вақт Маркс Лондонда, Энгельс Манчестрда яшаган вақтларида ҳам уларнинг алоқаси узилиб қолган эмас. Улар муттасил мактуб орқали фикрлашиб туришган. Энгельснинг ўз дўстига доимий равишда моддий ёрдам бериб туриши Марксниг мислсиз буюк илмий жасоратининг меваси бўлган «Капитал»нинг яратилишига бирдан-бир сабаб бўлган. «Бу, — деб ёзган эди Маркс Энгельса ёзган хатларидан бирида, — сенинг менга берган ёрдаминг туфайли мумкин бўлди! Сен менга фидокорона ёрдам бермаганингда, мен уч том учун бунчалик катта ишнинг ҳаммасини асло бажаролмас эдим. Сени қучоқлаб, кўпдан-кўп ташаккуримни билдирамана!» Энгельснинг ўз дўстига нисбатан чексиз садоқати, ажойиб қаҳрамонлиги яна шундаки, у Маркс хомаки тайёрлашгагина улгурган «Капитал»нинг иккинчи ва учинчи томини меъёрига етказиб тугатиш ҳамда нашр этиш учун ўн йил вақт сарфлади. В. И. Ленининг таъбирича, аслида Энгельс бу томларнинг иккинчи авторидир.

Марксистик фанни ишлаб чиқишда Маркс кўпроқ иқтисодий назарияни ривожлантириш масаласи билан шуғулланган бўлса, Энгельс асосий эътиборни фалсафа проблемаларига қаратди. «Анти-Дюринг», «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири», «Социализмнинг утопиядан фанга тараққиёти», «Табиат диалектикаси», «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» сингари классик асарлар Энгельснинг ўз қўли билан ёзилган бўлиб, марксизм хазинасининг энг ноёб дурдоналари ҳисобланади. Бу асарларда олға сурилган ўткир революцион гоялар, теран назарий хулосалар марксистик фалсафа, тарих ва табиатшунослик назарияси, сиёсий иқтисод ва пролетар партияси тактикасининг узвий масалалари мажмуасидан иборатдир. Бу асарлар жанговар материализмнинг бақувват намуналари бўлиб, идеализм назариясига нисбатан муросасиз ва шафқатсиз тигидир. Энгельс химия, физика, физиологияга доир жуда муҳим ва қимматли фикрларни олға сурган энциклопедик билим эгаси эди.

Маркс ва Энгельс пролетариат революцион назариясининг улуғ ижодкорлари, диалектик ва тарихий материализмнинг асосчилари бўлишлари билан бирга, пролетариатнинг эксплуатация зулмига қарши курашининг доҳийси ва ташкилотчиси бўлганлар. Улар ўтган асрнинг қирқинчи йилларида пролетар партияси тузишга қаттиқ бел боғлидилар ва биринчи коммунистик халқаро пролетариат ташкилоти — Коммунистлар Союзи, I Интернационални асослардилар. Пролетар революцион партиясининг тўнгичи бўлган Коммунистлар Союзининг шиори «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган жанговар чақириқ бўлди. Маркс ва Энгельс халқаро демократик ташкилот — Демократик ассоциацияни тузишда ҳам актив иштирок этдилар. Буржуа-демократик революциясида коммунистларнинг тактикасини ишлаб чиқишга жуда катта эътибор берган бу икки улуғ революционер Парижда немис ишчилари клубини, Кёльнда «Янги Рейн газетаси»ни ташкил этдилар. Улар шу газета орқали демократик кучлар фаолиятини бошқардилар, халқ оммасининг курашига йўл-йўриқ бериб турдилар.

1848—49 йилги революция тажрибаси асосида Маркс ва Энгельс буржуа демократиясининг сохталигини бутун куч билан фош этиш билан бирга давлат ва пролетар диктатураси тўғрисидаги ўз таълимотларини янада чуқурлаштирдилар, конкретлаштирдилар. Жумладан, улар ҳокимият ҳукмронлик қилувчи синфлар қўлида бўлган мамлакатлар ихтиёрида қудратли эзиш аппарати — армия, полиция, бюрократия мавжуд экан, революцион пролетариатнинг вазифаси эски давлат аппаратини синдириб ташлашдан иборат эканлигини таъкидладилар. Қисқаси, улар пролетариат стратегияси ва тактикасининг кўп қиррали томонларини ишлаб чиқишда илмий ҳамда амалий жиҳатдан олға томон жуда катта қадам ташладилар.

Маркс ва Энгельс ўзларининг революцион назарияларини ярим аср давомида ҳеч бир чарчамасдан кенгайтирдилар ва ривожлантирдилар. Энгельс ҳамма вақт ўзини Марксниг шогирди, сафдоши деб ҳисоблаган. Аммо марксистик назарияни ривожлантиришда Энгельснинг хизмати ғоятда улуғдир. В. И. Ленин «Энгельснинг ҳамма асарлари назарга олинмас экан, марксизмни тушуниш ва уни яхлит баён қилиш мумкин эмас» деган эди.

Инсоннят тафаккурининг энг юксак чўққисидан туриб келажакка аниқ кўз ташлаган, коммунистик жамиятнинг ғалаба қилиши муқаррарлигидан башорат берган Маркс ва Энгельснинг таълимоти нақадар буюклигини жамият тарихий тараққиётида юз берган кескин ўзгаришлар, революцион ва халқаро ишчилар ҳаракати яққол тасдиқлади.

Энгельс Россия ҳаётини жуда ҳам қизиқиб кузатган. Кўп тиллар қаторида рус тилини билган ва А. Пушкин, Н. Чернишевский асарларининг асл нусхасини ўқиган ҳамда рус революционерлари билан алоқа боғлаган. Худди Маркс сингари Энгельснинг Россия ҳаётини эътибор билан кузатиб бориши бежиз эмас эди. Етмишинчи йилларда Россияда революция булутлари борган сари қуюқлаша бошлаган ва революция бўрони тобора яқинлаша бошлаган эди. Улар революция тўлқини авж ола бошлаганини ҳисобга олиб, Россия пролетариати Европадаги революцион ҳаракатнинг илғор отрядидир, деб қайд этган эдилар.

Маркс ва Энгельснинг бу фикрлари қанчалик ўткирлигини тажриба тасдиқлади. Тарих тақдирининг иродаси билан Россия халқаро революцион ҳаракатнинг энг олдинги сафига чиқди. Маркс ва Энгельс бошлаган ўлмас ишнинг гениал давомчиси В. И. Ленин ишчилар синфини ҳамда меҳнаткашларни капиталистлар, помещиклар устидан ғалаба қилдирган, марксизмнинг пролетариат диктатураси ҳақидаги кўрсатмаларини турмуш тақозосида амалга оширган, дунёда биринчи социалистик жамиятни вужудга келтиришга қодир бўлган Коммунистик партияни тузди. Коммунистик партия қўрқмас, жанговар революционерларни ўз атрофига мустаҳкам жипслаштириб, ўз доҳийси Ленин раҳбарлигида Октябрь революциясини амалга оширди. Россияда жаҳонда биринчи социалистик давлат қарор топди.

Марксистик фаннинг янги тарихий даврда ривожланиши В. И. Ленининг номи билан боғлиқдир. У марксистик фанни империализм ва пролетар революцияси даврига изчил тадбиқ этди, уни ривожлантирди ҳамда янги ижтимоий қонуниятларни очди. В. И. Ленин империализмнинг емирилиши муқаррарлигини ҳар томонлама чуқур асослаб берди, ишчилар синфини социалистик революция ҳақидаги назария билан қуроллантирди, бизнинг мамлакатимизда социализм ва коммунизм ғалабасининг ғеннал планини чизиб берди.

Ҳозирги даврнинг коммунистик манифести бўлган КПСС Программасида марксизм-ленинизм идеялари ривожлантирилди. Коммунистик партия Марказий Комитети сўнгги пленумларининг қарорлари мамлакатимизда коммунизм ғалабаси учун курашнинг кенг истиқболларини илмий ва практик жиҳатдан асослаб берди. Коммунистик партиямиз ўзининг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда ҳамиша марксча-ленинча таълимотга амал қилмоқда ҳамда уни ҳаёт тақозоси асосида ривожлантирмоқда. Марксизм-ленинизм таълимотига ҳамиша содиқ бўлган КПСС ва қардош коммунистик ҳамда ишчи партиялар Маркс, Энгельс, Ленин белгилаб берган йўлдан, коммунизм, социализм ғалабалари сари комил ишонч билан олға бормоқдалар. Марксизм-ленинизм таълимоти йўлчи юлдуз сингари бутун тараққийпарвар инсоннятга янги жамиятнинг тўла тантанаси учун кураш йўлини кўрсатиб турибди.

А. РАЗЗОҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

СОВЕТ АРМАНИСТОНИ 45 ЁШДА

УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР

Антон КОЧИНЯН,
Арманистон ССР Министрлар Советининг Раиси

◆ ◆

1920 йилнинг 29 ноябрида Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатилди. Ана шундан бошлаб унинг кўп асрлик тарихида янги даврбошланди. Республикамиз ўшандан то шу кунгача ғоятда катта йўлни босиб ўтди. Ўтмишда чор Россиясининг чекка ўлкаларидан ҳисобланган Арманистон эндиликда юксак маданиятли, саноати, қишлоқ хўжалиги тараққий этган республикага айланди. Ҳозир биз бир кун ичида Арманистонда 1920 йилда бутун йил бўйи ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига тенг маҳсулот тайёрламоқдамиз.

Бу таққослаш ёш Совет Арманистони учун эски тузумдан қанчалик аянчли мерос қолганлигини яққол кўрсатади. Агар Алаверди ва Кафандаги чет эл концессионерлари хўжайинлик қиладиган кичик-кичик тоғ-руда, Ереванда ги коньяк ва консерва ишлаб чиқарадиган корхоналарни ҳисобга олмаганда, республикада деярли саноат йўқ эди.

Буларнинг ҳаммасини янгидан барпо этиш керак эди. Бундай катта ва машаққатли ишда бизга Совет Иттифоқидаги барча республикаларнинг меҳнаткашлари ва айниқса улуғ рус халқи катта ёрдам кўрсатдилар.

Арман халқи кўп асрлик тарихида ўзига хос жуда бой миллий маданият яратди. Қадимий арман қўлёзмаларининг хазинаси бўлган Матенадарон эндиликда бутун дунёга машҳур бўлиб қолди. Бу ерда 10 мингдан ортиқ қадимий ноёб қўлёзмалар ҳамда юз мингга яқин архив ҳужжатлари бор. Бу материаллардан совет олимлари билан бир қаторда чет элликлар ҳам фойдаланмоқдалар.

Бу ўринда жуда кўп ёрқин мисоллар кўрсатиш мумкин. Лекин биз биргина фактни таъкидлаб ўтсак шунинг ўзи кифоядир.

Ленинакан ўзининг катталиги жиҳатидан Арманистоннинг иккинчи шаҳри ҳисобланади. 1924 йилда бу ерда тўқимачилик ишлаб чиқариши вужудга келтирилди. В. И. Ленин маслаҳатига биноан рус шаҳри Вичугадан келган тўқувчилар дастҳоҳларда дастлабки бир неча юз метр газмол тўқиб чиқарган эдилар. Бугунги кунда эса Ленинакан республиканинг йирик саноат ва маданий марказига айланган. Бу ерда тўқимачилик комбинати қаторида ўнларча машинасозлик, станоксозлик, приборсозлик ва бошқа корхоналар вужудга келган. Уларнинг маҳсулотлари чет эл мамлакатларида ҳам машҳурдир.

Бундан бир неча йил муқаддам Озарбайжоннинг Қоратоғ деган жойидан Арманистонга газопровод ўтказилган эди. Буни биз «дўстлик трассаси» деб атаймиз. Озарбайжон газидан ҳам ёнилғи, ҳам кимё саноатининг маҳсулоти сифатида фойдаланилмоқда.

Кировакандаги суньий тола заводи учун Совет мамлакатининг уч юзга яқин корхонаси ускуналар тайёрлаб берди. Ўз навбатида Арманистон меҳнаткашлари ҳам руслар, украиннлар, озарбайжонлар, латишлар билан бир қаторда туриб Волга гидростанциясини қурдилар, қўриқ ерларни ўзлаштирдилар, ҳозирги кунда эса Сибирдаги катта электростанциялар қурилишида қатнашмоқдалар.

Кейинги етти йил ичида республикада саноат маҳсулоти икки ҳиссадан ҳам ортди. Саноат корхоналари ёнига 280 дан ортиқ завод, фабрика, гидростанциялар, йирик цехлар қўшилди. 600 дан ортиқ янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Арманистон кучли энергетика базасига эга. Республика жон бошига электр қуввати ишлаб чиқаришда Италия, Франция, Японния ва бошқа тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ҳам олдинда туради. Арманистоннинг кимё саноати эндиликда 140 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Бизда Арманистон учун тамоман янги ҳисобланган саноат тармоқлари, жумладан приборсозлик, радиоэлектроника, электроника вужудга келди ва тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шу билан бир қаторда биз енгил ва озиқ-овқат саноатига катта эътибор бермоқдамиз. Шунингдек бизнинг традицион маҳсулотларимиз бўлган — коньяк ва вино, консерва ва гилам, шоёи ва пойафзал ҳамда мебель ишлаб чиқариш ҳам кенгайди.

Арманистон жуда кўп халқаро биставкалар ва ярмаркаларнинг доимий қатнашчисидир. Чет элларда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларга талаб жуда катта бўлянти. 1957 йилда 20 мамлакатга мол чиқарган бўлсак, 1965 йилда етмишга яқин мамлакатга маҳсулот юбормоқдамиз.

Қишлоқларимизда юз берган ўзгаришлар айниқса қувончлидир. Қақроқ чўлларимизга каналлар очиб сув келтирдик. Водийларда ва чўллар ўрнида боғлар ва токзорлар яшнади, кенг галлазорлар вужудга келди. Об-ҳаёт чорвадорларга ҳам мадад берди. Республикадаги яйловларга сув келтириш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг март ҳамда сентябрь Пленумлари барча совет халқи қаторида Арманистон ишчи ва деҳқонлари учун ҳам ижодий меҳнат, ташаббускорлик, янги меҳнат зафарлари учун кенг истиқболлар очиб берди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтиришдек бу олижаноб ва катта ишда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларига олимларимиз актив ёрдам бермоқдалар.

Бундан 45 йил аввал республикада бирорта илмий муассаса йўқ эди, эндиликда Арманистонда юзга яқин илмий муассаса ишлаб турибди. Машҳур астрофизик академик Виктор Амбарцумян раҳбарлик қилаётган Арманистон Фанлар академияси Ватанимиздаги фан даргоҳларининг илғор отрядларидан бири ҳисобланади. Шунингдек республикада бир ярим мингдан ортиқ мактаб, ўнларча техникум, ўн бир олий ўқув юрти бор. Республикада аҳолининг тўртдан бири ўқийди.

Инсонга ғамхўрлик, унинг фаровонлигини доимо ошириб бориш, талаб ва эҳтиёжларини қондириш — социалистик давлатимизнинг асосий принципларидан биридир. Бу соҳада Арманистонда жуда кўп ишлар қилинди. Ереван, Ленинакан, Кировакан, Алаверди ва бошқа шаҳарлар асосан Совет ҳокимияти йилларида қайтадан қурилди. Фақат Ереваннинг ўзида 1963 йилдан 1964 йилга давр 16 минг оила янги квартираларга кўчиб кирди.

Совет Арманистонида ҳар бир ўн минг аҳолига 24 врач тўғри келади. Худди шу миқдордаги аҳолига АҚШ да 12, Англия ва Францияда 10,7, Туркияда 3,5, Эронда 2,9 врач тўғри келади. Ҳар йили мингларча меҳнаткашлар Жермук, Арзни, Дилижан, Анкаван, Цахкадзор, Севан ва бошқа жойлардаги курортларда даволанадилар ва хордиқ чиқарадилар.

Совет Арманистони тақдир иродаси билан жаҳонни турли жойларига бориб қолган арманларнинг эътиборини ғоятда тортмоқда. Урушдан кейинги даврда чет эллардаги ота-ини ва опасингилларимиздан юз мингдан ортиқ киши ўз Ватанларига қайтиб келишди ва чинакам бахтсаодат ва қувонч топишди.

Катта байрам кунларида босиб ўтилган йўлга якун ясаш, келажак учун режа тузиш совет кишиларининг энг яхши одатига айланган. Шуни айтиш керакки, Совет Арманистонининг ажойиб истиқболи бор. Халқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳасида етти йиллик план муддатидан олдин бажарилди. Республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш анча ўсди, меҳнаткашларнинг иш ҳақи кўтарилди, халқнинг турмуши яхшиланди. Шу билан бирга республикамизнинг меҳнаткашлари шуни яхши биладиларки, эришган бу ютуқларимиз дастлабки қадамларимиздир, ёркин истиқбол йўлида улар олдида яна ҳам катта ва шонли ишларни бажариш вазифалари турибди.

Янги беш йиллик учун дадил планлар тузилди. Бу планлар бажарилгач, ишлаб чиқаришнинг техника даражаси, совет кишисининг фаровонлиги тағин ҳам ошади. Чунки Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ана шулар учун яшамоқда, ишламоқда ва курашмоқда.



ЕРЕВАН. Спандарян номли май дондаги янги уй-жой бинолари. (ТАСС фотохроникаси).

Константин СИМОНОВ

СОЛДАТ БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИЛАР

Атоқли совет ёзувчиси Константин Симонов эллик ёшга тўлди. Талантли адибнинг жуда кўп шеърий китоблари, драматик асарлари, «Қуролдош дўстлар», «Ўликлар ва тириклар», «Солдат бўлиб туғилмайдилар» каби ватанпарварлик руҳи билан суғорилган романларини ўзбек китобхонлари яхши биладилар. «Солдат бўлиб туғилмайдилар» романидаги кўпгина воқеалар Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ. Қуйида шу романдан парча ўқийсиз.

РОМАНДАН ПАРЧА

Саҳарда, соат тўрт яримларда Серпилин ният қилганидек, аллақачон Цветковнинг полкига етиб олган эди. Йўлда фикридан қайтиб, Барабанов томонига жўнашига сал қолди. Ю, кейин жаҳл билан: «Майли, ёш бола эмас-ку, ахир», деган қарорга келди. Ишни чап қанотдан, Цветковдан бошлади.

Серпилин етиб борганда подполковник Цветков ухлаётган экан. Серпилин оператив навбатчига полк командирини уйғотмаслиги буюрди.

— Ухлайверсин, успз ҳам ишим битаверади, ҳамроҳ беринг.

Аммо Цветковни барибир уйғотишибди, у Серпилинга олдинги маррада, алоқа йўлларида етиб олди.

— Сенда ишнинг йўриғи қизиқ экан-ку, Цветков,—жаҳли чиққан бўлиб кўринди Серпилин. — Дивизия командири бир буйруқ берса, офицерларинг бошқача иш тутишаркан.

— Ўзим уйғондим, ўртоқ генерал,—деб ёлғон ишлатди Цветков.

У бир марта ва бирваракайига олдиндан фармойиш бериб қўйган эди: полкка қачон, кимки келмаси агар ухлаётган бўлса уни барибир дарҳол уйғотишлари, агар йўқ бўлса, хабар беришлари керак эди. Бу тадбир, уйғотилмасин ё қидирилмасин, деб буйруқ бериб қолишлари мумкинлигини олдиндан ҳисобга олиб белгилаб қўйилган эди.

—Қандай ухлайсан, Цветков, ечинмайми, ё ечинибми?

— Ечинаман, ўртоқ генерал. Мен ўзимнинг солдатларимга ишонаман, ич кийимда асир тушиб юрмайман.

— Ҳалигача ҳам шинелда юрибсанми?

— Зарари йўқ, ўртоқ генерал, чумчуқ эмасманки, совқотсам, — деди Цветков.

У формани севар, энг қаҳратон совуқларда ҳам шинель билан этик кийиб юрар, қалта пўстин билан пиймани форма ҳисобламас эди, ҳар қалай, ўзига нисбатан.

«Цветков Цветковлигини қилади», — деб ўйлади Серпилин йўлни кўрсатиб бориш учун олдинга ўтишга рухсат сўраган Цветковнинг орқасидан бораркан, дивизия штабида Цветков ҳақида гап очилиб қолган кезларда кўпинча эшитиш мумкин бўлган ўша сўзларни эсга оларди.

Цветков айни бир вақтда ҳам ўртача, ҳам намунали полк командири эди.

Унинг полкида бу кеча ҳам ҳарғалгидай намунали тартиб ҳукм сурарди. Ухлаши керак бўлганларнинг ҳаммаси ухламоқда, навбатчилик қилиши керак бўлганларнинг ҳаммаси жанговар шай ҳолатда навбатчилик қилмоқда эди.

Олдинги маррага окопларни бўйлаб бир ярим километрча юриб боргач, Серпилин билан Цветков окопларда навбатчилик қилаётган солдатлардан бирининг олдида тўхташди.

Солдат постга келиб турганидан буён немислар томонидан ҳеч нарса эшитилмабди. Уларнинг бомбардимони натижасида кунпаякун бўлган хўторни ёқалаб ўтган траншеялари тун бўйи жимжит сукунат ҳукм сурибди.

— Фақат бир соат бурун бир марта ҳуштак чалиниб, сал-пал юришди,—деб маълум қилди солдат.

—Соқчилар тарқатувчини чақиришган бўлса керак,—деди Серпилин.

— Фрицлар кечаси билан чурқ этишмади,—деди солдат. — Қорнинг оч бўлса ғаз ёқармиди.

— Сизларда озиқ-овқат важи қалай, нарком паёги қалай? Шиноятлар йўқми?—деб сўради Серпилин ва орқасида турган Цветковнинг диққатини тортганини ҳис қилди.

—Сира ҳам, ўртоқ генерал,—деди солдат.

«Жин урсин, — деб ўйлади Серпилин, — биз бу «сира ҳам»ни жорий қилмаган эдик, расм ҳам қилмаган эдик, ўз-ўзидан эски армиядан сезилар-сезилмас ўтиб келиб ўрнашиб олибди, уни тобора кўпроқ эшитишга тўғри келмоқда... Нигитча ёш, уни ўзи билан олиб келган эмас, шу ерда ялаштирган».

У солдатдан фамилиясини, нечанчи йилда туғилганини ва қаёқдан эканлигини сўради. Солдатнинг фамилияси камдан-кам учрайдиган фамилия — Димитриади, ўзи Мариуполь яқинидан келган грек бўлиб, нигирманчи йилда туғилган экан.

— Айтишяптими, ўртоқ генерал, Сталинград фронти бизнинг Азов денгизига борадиган йўлнинг ярмига етиб қолган эмиш.

— Тахминан шундай,—деди Серпилин,—Олти ҳафталик жангларнинг якунларини эшитдингизми ёки ҳали эшитганингиз йўқми?

— Айтишяптики, мазмунли ахборот эмиш. Эрталаб ротага олиб келишмоқчи эди.

Серпилин йўлида давом этиб, нари кетмоқчи бўлган ҳам эдики, солдат савол бериб, уни тўхтатди:

—Ўртоқ генерал, сўрасам мумкинми?

— Хўш?

—Шу тўғрими, радиодан иттифоқчиларимиз бугун кечаси бутун Европа бўйлаб аскар тушармоқда, деб хабар берилганмиш-а?

— Буни сизга ким айтди?

— Солдатлар айтишяптики, Черчилль ўртоқ Сталинга берган сўзининг устидан барибир чиқмоқчимиш.—уларнинг аскар туширишлари охирги кунда бўлса ҳам, барибир кирқ иккинчи йилда туширилган деб ҳисобланишини хоҳлармиш.

— Жим,—деди Серпилин ва бармогини лабларига босди.

Солдат таажжубланиб Серпилинга қаради ва шивирлаб сўради:

—Нега?

— Немислар эшитиб қолади, — деди Серпилин.—Бу ҳарбий сирни қайси радиодан эшитдинглар, Москва радиосиданми ёки солдатлар радиосиданми?

— Солдатлар радиосидан.—ҳазилни тушуниб жилмайди солдат.

— Йўқ, ўртоқ жангчи, — деди энди жиддийлик билан Серпилин. — Муҳтарам иттифоқчиларимиз аскар туширишгани йўқ, ҳозирча туширишмоқчи ҳам эмас.

Серпилин гаплашган иккинчи солдат унга илгаридан таниш эди, фамилияси эсидан чиққан, жасоратигина ёдида қолган: сентябрь кечаларидан бирида дивизия «тил»га жуда ҳам муҳтож бўлиб турган бир пайтда ёши ўтиб қолган шу тўпорига солдат бориб «тил» олиб келадиган бўлди; бориб олиб ҳам келди.

—Сизга «Жасурлик учун» медалини топширишдими, а, Мартиненко?—деб сўради Серпилин, солдатнинг фамилиясини ҳар қалай эслаб қолганидан қувониб.

—Топширишди,—деди Мартиненко, аммо унинг сўз оҳангидан бу алқаҳчонлар ўтиб кетган иш эканлиги сезилиб турарди. Ҳозир унинг ҳаёли бошқа нарса билан банд: у асли Ворошиловград областининг Меловое деган жойидан бўлиб, бугун радиодан жангларнинг якунларини айтганларини эшитган, ўша якунларда уларнинг Меловоеси ҳам кўрсатилган-кўрсатилмаганини билмоқчи эди: — Чертково станцияси олингани уч кун бурунги маълумотда айтилган эди, Чертково билан Меловоенинг ораси эса етти километр келади.

Серпилин якунларда биз озод қилган аҳоли яшайдиган пунктларнинг номлари умуман йўқлигини, фақат уларнинг умумий сони—бир ярим мингга яқин эканлиги кўрсатилганлигини айтди.

— Мен бўлсам, маълумотда бизнинг Меловоени қачон эзишар экан, деб кута-кута кўзим тўрт бўлди. Борди-ю, у ерда олдинги марра бориб-бориб Чертково билан Меловоенинг ўртасидан ўтган бўлса, жуда расво, унда яксон-талқон бўлади.— Мартиненко қаҳр билан қўл силтади.

У ҳақли—урушни солдатчасига билар, урушнинг нима эканлигидан бошқаларга таълим бериши ҳам мумкин эди. Серпилин унга таскин бериб, ўша жойларни гражданлар уруши йилларидан бери билишини, сизникилар Чертковони олган бўлсалар, Меловое қаршисида тўхтаб қолишлари маҳоллигини, у ерда кучли табиий марралар йўқлигини, шу туфайли бизникилар Меловоеданҳам ўтиб Камишеваяга етиб борган бўлишлари мумкинлигини айтди.

Дивизия командирининг уларнинг Донбассдаги шу дарёчаларини ҳам билиши Мартиненкони севинтириб юборди. Дарёча бирдан исковларини ҳам таниш-лариден бўлиб қолди.

— Хўш, биратўласи Камишеваяга етиб олишган деб ўйлайсизми, ўртоқ генерал?

Серпилин қўлларини ёзди:

— Ақл-идроққа қаралса—шундай бўлиши керак, аммо бу ердан кўринмайди.

— Бу ерда қачон фрицга қарши ҳужумга ўтамиз? Қачон уни қириб ташлаймиз? — жаҳл билан сўради Мартиненко, унинг овозида сабрсизлик янграрди, ваҳоланки, бу ерда фрицларни қирадиган кунимиз келганда немисларга энг яқин турган бу окопдан ҳаммадан бурун ҳудди унинг ўзи биринчи бўлиб чиқиб ўқлар ёмғири остида очиқ майдондан ҳов анови узоқда кўринаётган қорли дўнгликларга қараб боришига тўғри келади.

«Ҳужум, ҳужум,—деб ўйлади Серпилин. Мартиненко билан хайрлашиб окоп бўйлаб нарига кетаркан.— Уни армия ёки дивизия миқёсида планлаштириб сабрсизлик билан кутиш—бошқа гап-у. Мана бундай, солдатлар кутаётгандек кутиш — бошқа гап. Артиллерия тайёргарлиги тамом бўлдими — чиқиб жўнайсан, ётилаётган ўқдан ерга ёпишсанг, унда ҳеч қандай ҳужум бўлмайди. Ўзингдан ташқари «олға» деб қичқирадиган одам ҳам бўлмайди. Биринчи атака вақтидаёқ кимнингдир, сенингми, ёки бошқанингми ўлиши-ни бошлиқлар аллақачон планлаштириб қўйганлар, планлаштириб қўйилганини, бусиз мумкин эмаслигини, солдат билади. Билади-ю, аммо ҳар қалай сўрайди. «фришни қачон қириб ташлаймиз?» Тил учида эмас, астойдил сўрайди. Зотан сенинг кўкрагингдаги орденларинг унда бор ва тегадиган орденлардан кўпроқ бўлса-да, аммо юксак жасорат — барибир солдат жасоратидир. Борди-ю, сен арзийдиган генерал бўлсанг, сенинг тўғрингда муқаррар: «Бу солдат!» дейишади, агар арзимайдиган бўлсанг буни эшитишсенга насиб бўлмайди».

— Хўш, ўртоқ генерал, рота командирига кирамизми?—деб сўради Цветков.

—Ротангда ҳозир ким? Алферов-ми?—елкаси оша сўради Серпилин.

— Алферов.

Серпилин кўкраги билан окоп брустверига суяниб, тош қотган ернинг ер-эгдан ўтқазиб юборувчи муздек совуғини ҳатто налта пўстини орқали ҳам ҳис қилди.

Олд томонда, ҳужум сураётган жимжитликнинг нариёғида немислар.

Бу янги йил кечасида улар ўзларининг муҳонда уяларида нима қилишаётган экан? Нималарни ўйлашаётган экан, нималарга умид боғлашаётган экан? Улар яшашни ўйлармоқдаларми ёки уларни ўлим ваҳимаси тутмоқдами? У ерда улар нималарни ўйламасинлар, уларнинг ҳар бири, ҳаммалари биргаликда ҳудди биз ўйлаётган нарсаларнинг аксини ўйлаяпти. Бизнинг ҳар бир тилагимиз уларнинг қарама-қарши тилаги билан

ИККИ ҒАЗАЛ

ОЛТИН КУЗ

Кўз-кўз қилиб манзур этди хизматини
олтин куз,
Жаҳонаро машҳур этди зийнатини
олтин куз.
Барглар олтин, гулзор сокин, сувлар
кўзгуси равшан,
Аён этди элга қадру қимматини олтин
куз.
Баҳор баҳри, ёз оташи ҳуси қўшар
ҳуснига,
Бой келинчак мисол топди иззатини
олтин куз.
Ер сиймоси қудрат берди, қизгонмади
булоғин,
Шу сабабли яшармади ҳимматини олтин
куз.
Шода-шода марваридми ишкомларда
узумлар...
Мева-қадаҳларда тутар шарбатини олтин
куз.
Ғар ёзилса юртимизга осмон бўлиб
дастурхон,
Сиғдиролмас унга нози-неъматини
олтин куз.
Олам гўё нур денгизи — пахтазорга
боқсангиз,
Кўринг — дейди юрт бойлигин —
давлатини олтин куз.
Нодир инсон қўл урмаса яшнармиди
бу маскан,
Куйланг! — дейди, ижодкор халқ
ғайратини олтин куз.
Бу фароғат фаслин, Енгин қанча таъриф
қилсанг оз,
Ўзи сўзлар элимизнинг шавкатини
олтин куз.

ДЕҲҚОНЛАР

(ЯЛЛА)

Меҳнатга ёр, қалби баҳор, валламатдир
деҳқонлар,
Хуш табиат, сахий, камтар—аломатдир
деҳқонлар,
Муддаолар яхшиликдан иборатдир,
деҳқонлар,
Кимёгарсиз! Ижодингиз кароматдир
деҳқонлар!
Олиб ўпай, кўзга суртай қуёш эмган
қўлларин,
Гул-лолага буркай дейман тонгда ўтган
йўлларин...
Садоқатга даъват этур қизларин,
ўғилларин,
Ниятингиз — элнинг ризқи, фароғатдир
деҳқонлар!
Дилга шодлик таратгайсиз, пахта ипак,
дон билан,
Ардоқлайсиз туҳфангизни, севиб нақду
жон билан,
Кошонангиз файзли, қутли жўралар,
меҳмон билан,
Бошингизда чарх урган қуш —
саодатдир деҳқонлар.
Ернинг тилин билган мумтоз
таржимонсиз аслида,
Қоматларни кериб юринг олтин кузак
фаслида,
Шуҳратингиз қўшиқ бўлур коммунизм
асрида!
Ҳофиз ўқир: «бахтимизга саломатдир
деҳқонлар!»

Енгин МИРЗО.

ҚУВОНЧ УСТИГА ҚУВОНЧ

КАТТАҚУРҒОН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Тантанали Пахта байрамини Каттақўрғон пахтакорлари муносиб тўҳфалар билан кутиб олдилар. План бажарилгандан кейин ҳам каттақўрғонликлар суръатни бўшаштирмай олдинда бораётган Хатирчи пахтакорларини қувиб етдилар ва улардан ўзиб кетдилар. Шу кунгача Ватан хазинасига 53 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» армуғон этиб, қўшимча мажбуриятни ошириб бажардилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Раҳима Исломова раҳбарлик қилаётган Крупская номли колхоз аъзолари пахта байрами шарафига мусобақани авж олдириб, самаради ютуқларни қўлга киритдилар. Колхоз 1570 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 23 центнер ўрнига 28 центнердан пахта топширди.

— Аслида ғаллакор, кейинги йилларда Қораянтоқ массивини ўзлаштириб пахтакор бўлган деҳқонларимиз, — деди «Чимбойобод» колхозининг раиси агроном Раҳмонжон Намозов,— бу йил айниқса улкан зафар қучдилар. Бир йил ичида ҳосилдорликни гектар бошига қарийб 10 центнер оширдилар. Давлатга 5600 тонна юқори сифатли пахта етказиб бердилар. Бунинг талай қисми машиналарда териб олинди. Колхозчиларимиз пахта байрамига ана шундай ютуқлар билан келдилар. Биз умумхалқ шодиёнасини зўр тантана, шодухуррамлик билан ўтказамиз. Байрам арафасида ўнлаб колхозчиларимиз янги типдаги қурилган кўпхонали уйларга кўчиб кирдилар. Улар ойлаларида ҳовли тўйлари бўляпти. Бир неча бригада ва звеноларимизда йигит-қизларимизнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. Бу тўй томошаларига қўшни колхозлардан меҳмонлар ҳам чақирамиз.

Крупская номли колхоз аъзолари Пахта байрамини катта тантана билан ўтказишга қарор қилдилар. Колхоз қишлоқлари шу кунларда катта байрамлардагиден безатилган. Кўп нишлик клуб биноси яхши жиҳозланган. Биринчи кун колхозчиларга томоша кўрсатиш учун Каттақўрғон шаҳар театри артистлари танлиф қилинди. Иккинчи куни бир группа колхозчилар, бригада ва звено бошлиқлари, механизаторлар Самарқанд давлат опера ва балет театрига боришади.

Районнинг Пайшанба қишлоғида катта сайллар, умумхалқ тантаналари ўтказилмоқда. Бунга жойлардан артистлар, колхоз ва совхозлар, район маданият бўлими қошидаги ҳаваскорлик тўгараги аъзолари қатнашмоқда. Савдо ташкилотлари ярмаркалар очдилар.

Каттақўрғон пахтакорлари умумхалқ шодиёнаси — Пахта байрамини ана шундай тантаналар билан ўтказмоқдалар.

Л. ЭРГАШЕВ.

Хоразм области меҳнаткашлари Пахта байрамини ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Сиз бу суратда Янгиариқ районидаги «Победа» колхозининг мавсумда 150 тонна пахта терган механизатори ўртоқ Б. Бойжоновни кўриб турибсиз. У катта хирмонга яхши ҳисса қўшганлигидан бениҳоя мамнун кўринади.

Н. Ключнев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

РАҲМАТ, ОДАМЛАР!

Эргашбой партия сафига яқингинада ўтган эди. Ёш коммунистга ҳали қийинроқ топшириқ берилмаган бўлса ҳам у бир йил мобайнида синовдан ўтди, ўзини кўрсатди. Шунинг учун уни яхши биладиган кўп йиллик партия стажи бор коммунистлар Эргашбой 'албатта ишончни оқлайди, деб кафолат беришди.

Эргашбой Қурбонбоевнинг қўлига партия аъзолиги билети теккан кун умрбод эсдан чиқмайдиган бўлиб қолди. Орадан сал вақт ўтгач, партия ташкилотининг секретари Юсуф ака Толипов ёш коммунистни ҳузурига чақирди:

— Аҳвол қалай, ўртоқ Қурбонбоев?

— Яхши, Юсуф ака.

— Эргашбой, ука, сени бир маслаҳатга чақирган эдим. Олдин ўзинг билан гаплашиб олай дедим. Сени звеновойликдан бошқа бир қолоқроқ бригадага ўтказсак. Албатта, у ердаги иш бу ердагидан қийин бўлади. Лекин сени ҳамма билади. Ишнинг осонини қидирмайсан.

Эргашбой пича ўйлаб турди-да, жавоб қайтарди:

— Ишончингиз учун раҳмат, лекин бригадани эполмайман.

— Нега?

— Ҳали тажрибам кам.

Секретарь ёш коммунист билан анча гаплашиб ўтирди. Юсуф ана ҳеч ким тажрибали бригадир бўлиб туғилмаганлигини, одамлар 18-20 йилда катта-катта иш кўрсатганлигини, қаҳрамон бўлганлигини, хуллас, барини оҳиста, вазминлик билан тушунтирди. Лекин Эргашбойни кўндириб бўлмади.

— Ўртоқ Қурбонбоев, аввало сиз коммунистсиз. Агар менинг маслаҳатимга қулоқ солмасангиз, майли. Энди сиз билан партия бюросида гаплашамиз...

Эргашбой индамай, ҳомуш чиқиб кетди. Секретарь ҳам дили ғаш бўлганича қолди. «Наҳотки тушунмаса, наҳотки қийинчиликдан қўрқса... Кафолат берган коммунистлар адашмаган бўлса керак».

Партия бюроси расмий йиғилишдан кўра кўпроқ дўстона суҳбатга айланиб кетди. Чунки кўпни кўрган, қийинчиликларни енгишга ўрганган коммунистлар, кафолат берган ўртоқлар ҳам бойруқдан [illegible] амнинг юрагига йўл т[illegible] моҳиятини [illegible] афзал кўрардилар. Эргашбой Қурбонбоев айтилган гапларнинг маъзини роса чақиб кўриб иҳоят рози бўлди.

— Майли, энг қолоқ жойда бригадирлик қилай. Шартим шуки, ўзинглар ёрдам бериб турасизлар.

— Мана бу бошқа гап, — дейишди ҳамма бирдан.

Мана, ўшандан буён бир йилча вақт ўтди. Қурбонбоев бошлиқ бригада аъзолари 57 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Бригада 27 сентябрь куни гектаридан 28 центнердан ҳосил кўтариб, планни бажарди. 10 октябрга қадар гектаридан 38 центнердан пахта топширди. Бригадирликни эполмайман деган Эргашбой ўз вазифасини уддалашдан ташқари мавсумда машинада 97 тонна пахта терди.

Яқиндагина у партия ташкилоти секретарининг ҳузурига келиб бир ариза узатди. Бу ариза кўпроқ узрга ўхшарди. Унда шундай сўзлар ёзилиқ:

«Ленинизм» колхози партия ташкилотининг секретарига. Ушанда мен янглишган эканман. Ҳаётда инсоннинг, коммунистнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ экан. Одамлар билан бир жон, бир тан бўлдик, қийинчиликни ҳам, хурсандчиликни ҳам ўртада баҳам кўрдик. Ҳар бир иш куни ҳисобига 6,5 сўмдан тушяпти. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ойига кам деганда 180 сўмдан маош оляпти. Энди илтимосим шу: агар колхоз правлениеси, партия ташкилоти рози бўлса, менга 100 гектар ер ажратиб беринглар. Келаси йили 12 киши билан деҳқончилик қиламиз. Дарвоқе, шудгорлашни тамомлаб қўйганимизни айтиш эсимдан чиқай дебди.

КПСС аъзоси Э. Қурбонбоев».

Колхоз аъзоларининг сиёсий раҳбари Юсуфжон Толипов бу бир оддий воқеани қувонч, ифтихор билан айтиб берди бизга.

Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, совет пахтачилигининг генералларидан бири Абдулла ака Ортиқов билан сўзлашсангиз ҳам одамларни мақтаб тилидан бол томади.

Одамлар, улуг одамлар! Бугдой донасидан сал каттароқ оддий чигитни шу сахий ер сийнасига экиб, уни юрак тафти билан ундириб, кўкартириб «оқ олтин» ижод этадиган одамлар! Заҳматкаш, лафзи ҳалол, сира эринмай меҳнат қиладиган одамлар. Уларнинг ақл-фарасати, қуввати, қудрати, илҳоми, ижоди туфайли жонажон Ўзбекистонимиз салкам 4 миллион тонналик вазмин ҳосилни нафтига қўшдек ололди. Ғолиблар сафида, аҳдига вафодорлар даврасида Калинин районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзолари ҳам бор.

Пахта байрами арафасида улар 1240 гектар майдоннинг ҳаммасини, бир қарич ҳам ерни чала қолдирмай шудгор қилиб қўйишди. Ана шу ердан давлат хазинасига 3363 тонна ўрнига 3950 тонна пахта топширилди.

Бояги биз таърифлаган Эргашбой Қурбонбоев «С-100» тракторига миниб, кеча-кундузи 10-12 гектардан ер ҳайдади. Турсунбой ака кечани кеча, кундузни кундуз демай терлаб-пишиб ер ҳайдаган чавандозларга вақтида иссиқ чой дамлаб, ош пишириб турди. Тунлари новвойлар ҳам ухлашмади. Нега десангиз аёзни писанд қилмай ер ҳайдаётган азаматларга ҳоври чиқиб турган иссиқ нон ёпиб туришди.

Колхоздаги 74 коммунист, 200 дан ортиқ комсомол аъзоси, тажрибакорлар, ҳамма шудгорлашни тезроқ тамомлаблик, деб ташвиш тортишди.

Бу йил колхоз кам деганда 2 миллион сўм даромад кўради. Шундан бир миллион сўмдан эпдроғи пахтачиликдан, 350 минг сўмдан кўпроғи чорвачиликдан, 100 минг сўмчаси боғдорчиликдан. Колхоз аъзолари сортларни яхшилаш ҳисобигагина 120 минг сўм қўшимча даромад одмоқдалар.

Ҳар бир оилага, ҳар бир хонадонга кирсангиз камтар, озода, иттифоқ, ҳаётидан, давронимиздан мамнун кишиларни учратиб яйрайсиз.

Мана, оддий сувчи Мирзааҳмад Илашов оиласи. У коммунист. Хотини Марям опа билан бирга 7 фарзандни тарбия қилишяпти. Мирзааҳмад эндиликда техникани эгаллаб олмаган деҳқон отдан тушиб қолишини пайқаб, тракторчиликни ҳам ўрганди.

Хўжалик ҳисоби жорий қилиниши одамларнинг меҳнатга ихлосини оширди. Қишлоқ халқи иложи борича техникадан кўпроқ фойдаланиб, камроқ меҳнат сарф қилиб, мўлроқ ҳосил олиш йўлларини қидиряпти. Бу катта гап. Колхоз партия ташкилоти бунга одамларни яхши тарбиялаш, моддий манфаатдорлик принципининг самарасини кишиларга аниқ кўрсатиши туфайли муяссар бўляпти.

Жонажон партиямизнинг тарихий XXIII съезди яқинлашиб келаётган шу дамларда кишилар билан сўзлашсангиз, улар юракларида бор гапларни хушнудлик билан ҳикоя қилишади.

Кекса коммунист Муҳиддинхўжа аканинг ўғли қариб 14-15 йилдан буён колхоз қоровули бўлиб юрарди. Бултур раис билан партия ташкилотининг секретари маслаҳат қилиб ўтириб бир фикрга келишди.

— Шу Улуғхўжани анови бешинчи бригадага бошлиқ қилиб юборсак, — деб келди Абдулла ака Юсуфжон Толипов.

— Эпчил йигит, бунинг устига одамларни яхши билади, ҳар бир киши билан юракдан гаплаша олади.

Маслаҳат коммунистларга, тажрибакорларга ҳам маъқул тушди.

Қоровул-бригадир 179 гектар майдонда мўл ҳосил олинишини таъминлади. Йиллик план 109 процент бажарилди.

Тўлқин Муҳиддинов яқингача шўх, кўрсроқ, жанжалкаш йигитлардан эди. Коммунистлар, комсомоллар, қишлоқ қариялари уни орага олиб насиҳат қилишди. Икки огиз ширин сўз гоҳо одам боласини қанотлантириб, яхшиликка, эзгуликка ундайди. Тўлқин Муҳиддинов одамларнинг ёрдами билан ўқиб, трактор ўқиб олди. Шу йил йиғим-теримнинг долзарб пайтида кунига пунктга 22 тоннадан пахта ташиди.

Яқинда қоровул-бригадир Улуғхўжа Муҳиддинов, шўхлиги билан ном чиқарган, эндиликда вазмин, интизомли механизатор Тўлқин Муҳиддинов. ясли мудираси Ҳалима Аҳмаджонова Ўрғоқлар коммунист бўламиз деб ариза беришди. Партия ташкилоти уларнинг билимини, ҳаётини яхши ўрганиб, умумий мажлисда КПСС сафига қабул қилди.

Қишлоқ обод. Ёшлар ўйин-кулги билан банд. Кексалар фароғатда. Колхоз тузумининг ветеранларидан 420 киши пенсия оляпти. Лекин Қўрғонбой Қораев, Парпи Шодмонов, Ольга Реатова, Ҳадича Саримсоқова сингари азаматлар, Муҳиддинхўжа Мўминхўжаев, Саъди Қораҳўжаев сингари отахонлар биз қаридик, деб қараб турилмайди. Улар ёшларга иш ўргатишяпти, панд-насиҳат қилишяпти.

Колхоз правлениеси, колхоз партия ташкилоти кекса отахонлар, онахонларнинг ҳурматини бажо келтириб, уларни иззат-икром қиляпти, қилган катта-катта хизматларини унутмай эсга оляпти, одамлар тўғрисида ғамхўрлик қиляпти. Ёшлар буни кўриб кексаларнинг ёнидан бесалом ўтмайдилар. Она-ерга муҳаббат эўраймоқда.

Шу ернинг жамолини меҳнати билан очаётган, қут-барака уруғини сочаётган, ноз-неъмат ижодкорлари сизларга балли, одамлар, қишлоқларимизнинг заҳматкаш деҳқонлари, сизларга раҳмат!

Ҳамид НУРИЙ,
Ҳамид ТОЖИБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.
Тошкент области.

АЗИЗ МЕХ[illegible]

Кумушранг соқоли кўксини қоплаб [illegible] турган бу мўътабар мўйсафидни [illegible] тошкентликдар, айниқса мактаб ўқув[illegible] чилари яхши билишади. Унинг билан [illegible] ҳамсуҳбат бўлсангиз, бу киши сал[illegible] бир асрли умр кўрган демайсиз [illegible] оргий Александрович шу ку[illegible] саксон ёш[illegible]дигини шо[illegible] рамлик б[illegible]сити.

Чориз[illegible] ни бош[illegible] гитлик[illegible] халқ б[illegible] рашла[illegible] нист[illegible] лар[illegible]

[illegible] ЎҚУВЧИ

Эртага—Югославиянинг [illegible]
[illegible]ий б[illegible]й[illegible] ми[illegible]

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XX СЕССИЯСИ

СССР вакили С. О. АЗИМОВнинг Ғарби-Жанубий Африка тўғрисидаги масала юзасидан 1965 йил 25 ноябрда 4-комитетда сўзлаган нутқи

Жаноб Раис.

Ғарби-Жанубий Африка тўғрисидаги масала бу Комитетда биринчи марта муҳокама қилинаётгани йўқ. Модомики, Комитет бу масалани қайта-қайта муҳокама қилишга мажбур бўлаётган экан, бунинг сабабини шундан қидирмоқ керакки, Жанубий Африканинг мамлакатда мудҳиш «апартеид» ва иркий камситиш системасини, ерлик аҳолини террор ва гоят аёвсиз эксплуатация қилиш сиёсатини ўрнатган иркчи ҳукмдорлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ғарби-Жанубий Африка тўғрисидаги масалага тааллуқли жуда кўп қарорларини бажаришни ўйлаш бир ёқда турсин, ана шу территорияни фақат ҳақиқатда эмас, балки юридик жиҳатдан ҳам ўз ҳукмронликларига бўйсундириб олиш ҳамда худди Жанубий Африкадаги сингари иркчилик тартибларини ўша ерда ҳам жорий этиш учун тобора янги-янги чораларни кўрмоқдалар.

Ғарби-Жанубий Африка тўғрисидаги масалани БМТда муҳокама қилиш тарихи, шу территория ҳусусида БМТ қабул қилган барча қарорлар ва резолюцияларнинг тақдири биргина даъватлар ва тавсияларнинг ўзи Жанубий Африка ҳукуматига кор қилмаётганлигини очиқдан-очиқ кўрсатиб турибди. Жанубий Африка ҳукуматининг Ғарби-Жанубий Африкага нисбатан тутаётган сиёсатига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ортиқ чидаб туриш ниятида эмаслигини ҳамда Жанубий Африка ҳукуматини БМТ қарорларини ҳурматлашга мажбур қилиб кўя оладиган чораларни кўришга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти каттик бел боғлаганлигини кўрсатиб кўяётган ҳаракатларни қилиш даркор.

Сўнгги вақтларда Ғарби-Жанубий Африкадаги вазиятнинг кескин ёмонлашиб қолганлиги ҳам шундай чораларни зудлик билан кўриш зарурлигини қаттиқ тақозо этмоқда. Одендааль комиссияси деб аталмиш комиссиянинг машъум доклади пайдо бўлиб қолганлиги ва шу докладда берилган тавсиялар, биринчи галда, Ғарби-Жанубий Африка ерлик аҳоли учун «бантустан»лар, яъни ўзига хос геттолар барпо этиш тўғрисидаги тавсия шуни кўрсатиб турибдики, Фервурд режими бу территориянинг ерлик аҳолисига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бериш ҳам бир ёқда турсин, балки бунинг аксича, территорияни парчалаб ташлаш, апартеид системасини Ғарби-Жанубий Африкага ёйиш ва ана шу территорияни босиб олишдан иборат жиноятқорона планларни тузмоқда.

Жанубий Африкада ҳокимият тепасида турган ашаддий иркчиларни ва уларнинг баъзи Ғарб мамлакатларидаги мустамлакачи доиралардан иборат ёрдамчиларини истисно қилганда, Ғарби-Жанубий Африканинг бутун африкалик аҳолиси, Жанубий Африканинг ўзидаги прогрессив кишилар, жаҳоннинг виждони ана шу планларни қораламоқдалар ва шу планлардан тамомила ҳақли равишда даргазаб бўлаётганликларини билдирмоқдалар.

Ғарби-Жанубий Африкадаги СВАПО билан СВАНУ ва бошқа шу каби асосий сиёсий партиялар ва ташкилотлар Одендааль докладида берилган барча тавсияларни қатъиян рад этмоқдалар ва бу тавсияларнинг амалга оширилиши фақат «қон тўкилиши»га олиб бориши мумкин деб огоҳлантирмоқдалар ҳамда ана шу жиноятқорона планларнинг рўёбга чиқарилишига халақит бериш тўғрисидаги илтимослар билан БМТга мурожаат қилмоқдалар. Буни ана шу партияларнинг вакиллари Комитетнинг Африкадаги сессеясида айтган гапларидан ҳамда уларнинг 24 лар комитетига юборган жуда кўп аризаларидан кўриш мумкин.

Ҳатто Жанубий Африка Республикасидаги ҳукумат матбуоти ҳам Ғарби-Жанубий Африкадаги оқ танли бўлмаган кишиларнинг аксарияти Одендааль докладини «номақбул концепция — апартеид унга асос қилиб олинганлиги учун» рад этди, деб тан олишга мажбур бўлди.

Фервурд режими томонидан амалга оширилаётган бу планлар ва чоралар Бош Ассамблеянинг резолюциясига ва, жумладан, шу резолюциянинг 6-бандига чидаб бўлмайдиган даражада хилоф эканлигини [illegible] оширишга ҳ[illegible] Уставининг мақсадлари ва принципларига тўғри келмайди», — дейилган.

Шу муносабат билан, жаноб раис, мен шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, 1963 йилги Аддис-Абеба конференциясида Африкадаги мустақил давлатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари мустамлакачиликдан қутулиш хусусидаги маълум резолюцияда «Ғарби-Жанубий Африка территорияси Африканинг халқаро мандат остидаги территорияси» бўлиб, «Жанубий Африка Республикаси томонидан ана шу территорияни босиб олишга қаратилган ҳар қандай уринишга агрессив ҳаракат деб қаралади», деган эдилар.

Ҳўш, жаноб раис, Жанубий Африка ҳукумати 18 йилдан кўпроқ вақтдан бери БМТ Уставини ва унинг Ғарби-Жанубий Африкадаги масалага доир кўпдан-кўп қарорларини сурбетлик билан ва қўпол равишда бузиб келаётган экан, бу фактни нима билан изоҳлаш мумкин? Фервурд режими Ғарбдаги нуфузли давлатлардан, даставвал шу территорияда йирик иқтисодий ва молиявий манфаатлари бўлган Англия ва АҚШдан актив мадад олиб келганлиги ва келаётганлиги орқасидагина у мана шундай позицияда туриш имкониятига эга бўлиб қолганлигини фактлар кўрсатиб турибди. Бу аҳволни БМТ Бош Ассамблеяси ҳам эътироф этган эди. Бош Ассамблея ўзининг резолюциясида «Жанубий Африка Республикасининг ҳукумати баъзи бир давлатлардан ва баъзи бир молиявий гуруҳлардан мадад олиб келаётганлиги ҳам ўз позициясида қаттиқ туравершга ундамоқдалар», — деб қайд қилган эди.

Ғарби-Жанубий Африкадаги халқаро компанияларнинг фаолияти тўғрисидаги масала Бош Ассамблеянинг топшириғига биноан, 24 давлат комитети томонидан анализ қилиб кўрилганида бу аҳвол батамом тасдиқланди. Комитетнинг шу масалага тааллуқли докладида келтирилган фактлар Ғарби-Жанубий Африка хўжалигининг ҳамма тармоқлари — унинг кончилик саноати, балиқ саноати, товар маҳсулот берувчи бутун қишлоқ хўжалиги, унинг фабрика-завод корхоналари чет эл монополиялари билан оқ танли келгиндилар қўлида эканлигини кўрсатиб турибди. Чет эл капитали Ғарби-Жанубий Африка экономикасида ҳукмронлик мавқеини эгаллаб олган бўлиб, у мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияни амалга ошириш йўлида гов бўлиб турган асосий кучдир.

Ҳали ҳам мустамлакачилик ҳукмронлиги остида бўлган Африка жанубидаги бошқа территорияларда иш кўраётган чет эл компаниялари сингари, Ғарби-Жанубий Африкада иш кўраётган чет эл компаниялари ҳам халқаро монополияларга қарашли ягона ҳарбий-саноат комплексининг таркибий қисмларидан бўлак нарса эмас, бу ҳарбий-саноат комплексининг штаб-квартиралари Нью-Йоркка, Лондонга, Боннга ва бошқа Ғарб мамлакатларининг пойтахтларига жойлашган. Ҳозирги замон янги мустамлакачилиги раҳнамолик қилаётган ва белгилаб бераётган ана шу мамлакатларнинг сиёсати асоратга солинган халқларни аёвсиз эксплуатация қилиш мақсадида ўзининг дунё устидан ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун жаҳонни Вьетнамда, Конгода, Доминикана Республикасида ва планетамизнинг бошқа кўпгина жойларида қонли воқеалар гирдобига тортаётган кучдир.

24 лар комитетининг докладида ҳақли суратда кўрсатиб ўтилгандек, Ғарби-Жанубий Африкада иш кўраётган чет эл монополиялари ягона бир мақсадни кўзламоқда, у ҳам бўлса — иложи борича кўпроқ фойда олишдир. Масалан, «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабарида айтилишича, Жанубий Африка Республикаси билан Ғарби-Жанубий Африкада иш кўрувчи «Ньюмонт майнинг корпорейшн» компаниясининг вице-президенти Бангхарт ўз компанияси ва Американинг бошқа [illegible] компаниялари олиб кир[illegible] жанубий қисмида иш кўраётган чет эл монополиялари ўзлари олиб кирган ҳамма капиталнинг ҳиссасини атиги 4 ёки 5 йил ичида чиқариб олмоқдалар, деди. («Обсервер», 1964 йил 8 март).

Ғарби-Жанубий Африкада ва Африкадаги бошқа мустамлакаларда шу қадар жуда кўп фойда олинаётганлигини фақат шу билан изоҳлаш мумкинки, ана шу территориялардаги ерлик аҳоли гоят сурбетлик билан эксплуатация қилинмоқда, бу территорияларда ваҳшиёна апартеид ва иркий камситиш сиёсатининг мавжудлиги арзон ишчи кучига ва, бинобарин, иложи борича кўпроқ фойда чиқариб олиш имкониятига эга бўлмоқ учун чет эл компанияларига энг қулай шарт-шароитлар тўғдириб бермоқда. Ғарби-Жанубий Африкадаги чет эл компаниялари, аслини олганда, мажбурий меҳнатдан фойдаланмоқдалар. Ана шу компаниялларнинг африкаликка тўлаётган иш ҳақи унинг очдан ўлиб кетмаслигига зўрга етади, холос. Масалан, «Саус вест Африка компани» корхоналарида ер остидаги оғир, машаққатли иш учун кон ишчиси бир йилда олаётган иш ҳақининг жами миқдори 30 фунт стерлинг (84 доллар) атрофидадир. «Консолидейтед даймонд майнз оф Саус Африка лимитед» компанияси корхоналарида ўртача бир ойлик иш ҳақи 9 фунт 9 шиллингу 6 пенса тенг келади. Айни африкаликларга тўланаётган иш ҳақининг бениҳоя камлиги чет эл компанияларининг Ғарби-Жанубий Африкада гоят катта миқёсларда фойда олишларига сабаб бўлмоқда.

Бинобарин, Ғарби-Жанубий Африкадаги чет эл монополияларининг фаолияти шу территорияда Фервурд режими жорий этаётган апартеид сиёсати билан гоят чамбарчас боғлангандир. Ўз навбатида чет эл компаниялари Фервурд режимини мустаҳкамлашга ҳамда Жанубий Африкада, Ғарби-Жанубий Африкада ва Португалиянинг уларга туташ бўлган мустамлакаларида мустамлакачилик — иркчилик тартибларини сақлаб қолишга ёрдам бериш учун ўз мамлакатларидаги ҳукмрон доираларга ҳар тарафлама таъсир кўрсатмоқдалар. «Қарс икки қўлдан чиқади» деб шуни айтадилар-да.

Шундай қилиб, жаноб раис, реакция авж олдирилаётганлиги учун, апартеид сиёсати учун, қашшоқларча турмуш даражаси учун, ана шу мамлакатдаги африкалик аҳоли ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ва социал эркинликлардан маҳрум этилганлиги учун, у тортаётган мусибатлар ва азоб-уқубатлар учун фақат Фервурд ҳукумати эмас, шу билан бирга, Ғарби-Жанубий Африкада жуда катта капитал маблағлари бўлган чет эл компаниялари ҳам жавобгардирлар.

Инглиз ва Америка корчалонларининг ошкора эътирофлари чет эл компаниялари билан Фервурд бошлиқ иркчилик режимининг манфаатлари муштарак эканлигини кўрсатувчи яққол далилдир. Масалан, Америкада чиқадиган «Тайм» журнали ана шундай бир инглиз корчалонининг қуйидаги сўзларини келтиради: «Агарда апартеид бўлмаганида, — биз уни яхши ҳаракатларимизга ё кўрмаймизми, бунинг ҳаракатларимизга ёмонлаштиришни ўйламаган ҳам бўлур эдик». («Тайм» 1962 йил 21 декабрь, 10-бет). Бу гапни изоҳлаб ўтириш, менимча, ортиқча бўлса керак.

1962 йил 6 ноябрда Бош Ассамблея маълум резолюцияни қабул қилди. Шу резолюцияда Фервурд ҳукуматининг апартеид ва иркий камситиш, ўзининг БМТ Уставидаги ва бошқа ҳужжатлардаги мажбуриятларини менсимаслик сиёсатига чек қўйишга қаратилган бир қанча чораларни Уставга мувофиқ равишда алоҳида-алоҳида ёки коллектив равишда кўриш, жумладан — Жанубий Африка БМТ нинг Ғарби-Жанубий Африкадаги апартеид масалаларига тааллуқли кўпдан-кўп қарорлар[illegible] бошқа тортаётганликларига, бу билан мазкур чораларни аллақачон амалга оширган бошқа жуда кўп давлатларнинг ҳаракатини ҳаба[illegible] кетказаётганликларига таажжубланиш керакмикин.

Бунинг устига баъзи Ғарб давлатлари Фервурд режимига фақат маънавий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мадад [illegible] билан чек[illegible] рика билан иқтисодий ва бошқа гартибдаги ҳар қандай алоқаларни тўхтатиш БМТ аъзоси бўлган давлатларга таклиф қилинган эди. АҚШ, Англия ҳамда Жанубий Африка билан Ғарби-Жанубий Африкада йирик манфаатлари бўлган бошқа Ғарб давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларини ҳурматласалар ва Жанубий Африкадаги иркчи режим билан ўз алоқаларини ақалли мустаҳкамламай турсалар бўлар эди.

Ҳақиқатда бунинг тескариси бўлиб чиқди. 1962 йил 6 ноябрдаги Бош Ассамблея резолюциясининг сиёҳи ҳали қуримасдан туриб, АҚШ, Англия, Ғарбий Германия ва Европадаги бошқа мамлакатларнинг катта бизнеси Жанубий Африкага янгидан капитал солишга киришди.

Масалан, 1964 йил 26 ноябрда «Кейн таймс» газетаси сўнгги вақтларнинг ўзидагина чет эл монополиялари Жанубий Африкадаги турли лойиҳалар қурилишига қариб 280 миллион доллар пул солишга қарор бердилар, деб ёзди. Бу — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юзига, Африка бирлиги ташкилотининг юзига ва бутун жаҳон афкор оммасининг юзига очиқдан-очиқ ёёқ қўйиш бўлди. Жанубий Африка ҳукумати бу капитал солишларга апартеид ва иркий камситиш сиёсатига ишонч билдириш деб қарамоқда. Нега ҳам шундай деб қарамасин, жаноб раис? Мана, шу хусусда монополистларнинг ўзлари айтган гапларга қулоқ солинг.

1964 йил ноябрь ойида Нью-Йорк ва Чикаго инвеститорлари группасининг вакили Ж. Ж. Пальмер ўзимизнинг катта-катта миқдордаги сармояларимиз олиб кирмоқ учун Жанубий Африкани танлаб олганимга сабаб шуки, «у, Африкада барқарор ҳукуматга эга бўлган бирдан-бир мамлакатдир. Ҳар бир бизнесмен ўзини қўллаб-қўлтиқлайдиган кучли ҳукумат бўлишини истайди, Жанубий Африкада эса худди шундай ҳукумат бор», деди. (Қаранг: «Сазерн Африка», Лондон 1964 йил 4 декабрь).

1965 йил февраль ойида «Жоффрей компани оф Огайоо» президенти Ж. Х. Фулфорд Жерминстоундаги янги фабрикани очаётиб бундай деди: «Жанубий Африка экономикасининг мустаҳкамлигига бизда тўла ишонч бор, мамлакатингизнинг стабил эканлигига тўла ишонч бор, бинобарин, биз ўтмишда бу ерга олиб кирган катта-катта сармоялар билан биз ҳозир олиб кира бошлаган бўлажак сармояларнинг ҳаммаси хавфсиз жойда эканлигини биз биламиз» (Қаранг: «Саус Африкан дойжест», Претория, 1965 йил 19 февраль).

Яқиндагина, 1965 йил 20 мартда НАТОнинг собиқ бош қўмондони, ҳозир эса «Атлантик кончил оф Юнайтед Стейтс» ранси ва «Сувенс — Корнинг фибергласс корпорейшн» президенти генерал Норстед Жанубий Африкага олиб кириладиган янги капиталлар тўғрисида музокаралар олиб бориш учун Иоганнесбургга учиб кета туриб, «Биз, айрим шахслар сифатидагина эмас, балки Қўшма Штатлар сифатида Жанубий Африкага тўла ишонамиз...» — деди.

Бас шундай экан, айни Ғарби-Жанубий Африкада молиявий манфаатлари бўлган давлатлар — ташкилот аъзоларидан ва, аввало, Англия билан АҚШ дан Фервурд ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва унинг ташқарисида асосий мададни олиб турганича, айни мана шу давлатлар БМТнинг Жанубий Африкага нисбатан сиёсий ва иқтисодий чоралар қўлланиш тўғрисидаги қарорларини бажаришдан зўр бериб бош тортаётганликларига, бу билан мазкур чораларни аллақачон амалга оширган бошқа жуда кўп давлатларнинг ҳаракатини ҳаба[illegible] кетказаётганликларига таажжубланиш керакмикин.

Бунинг устига баъзи Ғарб давлатлари Фервурд режимига фақат маънавий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мадад [illegible] билан чек[illegible] рикага қурол-яроғлар ва ҳарбий анжомлар етказиб беришдан тийилиб турсинлар», деб қатъият билан даъватни менсимай, Жанубий Африка иркчиларига жуда кўплаб қурол-яроғ етказиб беришни давом эттирмоқдалар. Бу қурол-яроғдан ҳимоясиз африкаликларга жабр-зулм ўтказиш ва уларни қириб ташлаш учун фойдаланилмоқда.

Ғарбдаги етакчи давлатлар томонидан Фервурд ҳукуматига кўплаб қурол-яроғ етказиб берилаётгани тўғрисидаги фактлар яхши маълум, кўпгина делегациялар Бош Ассамблея сессияларида ва 24 давлатнинг махсус комитети мажлисларида сўзлаган нутқларида ана шу фактларни неча марталаб тилга олганлар.

Шу сабабдан, ишнинг мана шу жиҳатига яна муфассал тўхталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин, жаноб раис, биз комитетнинг эътиборини шу фактга жалб қилмасдан тура олмаймизки, сўнгги вақтларда Жанубий Африкадаги иркчилар ўзларининг Вашингтон, Лондон ва Бонндаги ҳомийлари ёрдами ва мадади билан, мамлакатнинг ўзида замонавий қурол-яроғларнинг ҳамма турларини ясаб чиқара оладиган, ҳатто атом қуроли ясаб чиқара оладиган ҳарбий саноат барпо этиш юзасидан бир қанча ошириб чораларни кўрмоқдалар, бу эса бутун Африка қитъасининг тинчлиги ва хавфсизлиги ишига жиддий таҳдид солишдир. 1965 йил март ойида Жанубий Африка мудофаа министри жаноб Ж. Ж. Фуше чет эллардаги кўпгина яхши дўстлар билан «қойилмақом халқаро ҳамкорлик» Жанубий Африка ҳукуматига замбаракларга ва бошқа замонавий қуроллларнинг энг таъсирчан турларини кўп миқдорларда олиб кириш имкониятини берди, бундай қуроллар Жанубий Африкага ҳали ҳеч қачон олиб кирилмаган эди, деди. Сўнгра у, Жанубий Африка мамлакатда турли хил замонавий ҳарбий қурол-яроғлар ишлаб чиқариш учун 120 та лицензия сотиб олганлигини ва шунга қўшимча қилиб, ана шу қурол-яроғларни ишлаб чиқаришга тааллуқли барча техника маълумотларини олганлигини айтди. Фуше бомбаларнинг энг замонавий хилларидан бирини Жанубий Африка Республикасида ишлаб чиқариш учун Ғарбий Германиядан ҳам лицензия олинганлигини маълум қилди. «Жанубий Африка, деди у, энди қурол-яроғ сотиб олиш учун чет элларга қатнаб юриши керак эмас. Бунинг ўрнига Ғарб мамлакатларининг ўзлари Жанубий Африкага келиб, бизнинг мамлакатимизда ҳарбий корхоналар қуришни ва Жанубий Африканинг қуролли кучларига қурол-яроғлар сотишни таклиф қилдилар» (Қаранг: «Сазерн Африка», Лондон, 1965 йил 2 апрель).

1958 йилдаёқ ғарбий германиялик мутахассисларнинг иштироки билан Жанубий Африкада тажриба тариқасида парчаланувчи уран ва ядро қуроли ишлаб чиқариш учун ускуна яратилган эди. 1960 йилда эса Американинг «Эллис Чэлмерс» фирмаси атом реакторини қуриб беришга киришди. Капиталистик мамлакатларда қазиб олинаётган уранинг қарийб 20 процентини Жанубий Африка ишлаб чиқараётганини ҳисобга олганда, ядро қуроли ясаб чиқариш учун иркчиларнинг қўлида ҳом ашё етарли эканига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Ядроли зарбдор қалпоқларни элтиб қўювчи воситаларни, чунончи турли хил ракеталарни яратиш соҳасида ҳам Бонн билан Фервурд ҳукумати ўртасида жуда яқин ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Масалан, Претория яқинида ракета техникаси институти ва [illegible] полигони барпо этилган[illegible] бий Африка Рес[illegible] энергияси маса[illegible] ғулланувчи [illegible] директори [illegible] ойида [illegible] ди. [illegible] Африка ҳукумати [illegible] фриканинг та[illegible] одам ресурс[illegible] қилаётган [illegible] концес[illegible] ларр[illegible] есата[illegible] шу [illegible] олиб боради. 1965 йил 12 январда СВАПОнинг «Стандарт» газетасида эълон қилган ахборотига қараганда, Ғарби-Жанубий Африкада заҳарли газлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам қурилмоқда.

Мана, жаноб раис, Жанубий Африка иркчиларининг планлари нималардан иборат. Бинобарин, шу нарса равшан эмасмики, агарда Ғарбдаги етакчи давлатлар ва, биринчи галда, Англия, Қўшма Штатлар ва Германия Федератив Республикаси Фервурд ҳукуматига актив суратда ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий мадад кўрсатмаганларида эди у, бундай планларни тузишга журъат этмаган бўлур эди, ваҳшиёна апартеид сиёсатига дарҳол чек қўйишни ҳамда Ғарби-Жанубий Африкага мустақиллик беришни талаб қилаётган БМТ даги аксарий кўпчиликнинг ва жаҳон афкор оммасининг раъйига қарши юришга ботина олмаган бўлур эди.

Ҳўш, шундай бўлганидан кейин, Англия, АҚШ ва Ғарбдаги бошқа баъзи бир мамлакатларнинг вакиллари Жанубий Африка иркчилари ўтказаётган апартеидга қарши кураш масаласида, шунингдек Ғарби-Жанубий Африка тўғрисидаги масалада БМТ аъзоси бўлган аксарий кўпчилик мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни «истаймиз» деб айтган гапларга ишонса бўладими? БМТ да биз ана шу мамлакатларнинг вакилларидан бол томувчи гапларни эштитамиз-у, лекин бу мамлакатлар БМТга билдирмай, зимдан ўзларининг шум ишларини зўр бериб давом эттирмоқдалар.

Жаноб раис, совет делегациясининг фикрича, Комитет фақат Жанубий Африкадаги иркчиларнигина эмас, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ғарби-Жанубий Африка тўғрисидаги масалага тааллуқли кўпдан-кўп қарорларини амалга оширишдан зўр бериб бош тортаётган мамлакатларнинг ҳукуматларини ҳам қатъиян қораламоғи керак.

Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларациянинг қоидаларини Ғарби-Жанубий Африкада тезроқ амалга ошириш вазифаси, ҳеч бир шубҳасиз, бизнинг тавсияларимизга асос қилиб олиниши лозим. Ғарби-Жанубий Африка халқининг мустақил ҳаёт кечириш ҳуқуқини таниндан келиб чиқиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ғарби-Жанубий Африкага нисбатан Одендааль комиссиясининг тавсияларини амалга оширишга қаратиладиган ҳеч қандай ҳаракатлар қилмасликни Фервурд ҳукуматидан талаб этмоғи керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзоларини ана шу территориядаги ерли аҳолининг миллий мустақиллик билан ҳаёт кечиришдан иборат ўз дахлсиз ҳуқуқи учун олиб бораётган курашида унга коллектив равишда ёки якка тартибда бутун чоралар билан ёрдам кўрсатишга чақириш, БМТ турли органларининг Ғарби-Жанубий Африка тўғрисидаги масалага тааллуқли кўпдан-кўп резолюцияларини бажаришни таъминлайдиган чоралар кўришга Хавфсизлик Кенгашини даъват этиш, жумладан, Хавфсизлик Кенгашининг 1960 йил 1 апрелдаги қарорини сўзсиз бажаришни, Уставнинг 25-моддасига мувофиқ, БМТ аъзоси бўлган барча мамлакатлардан талаб қилиш зарур. Биз шунингдек Ғарби-Жанубий Африка территориясининг бир қисмини ёки ҳаммасини босиб олиш йўлидаги ҳар қандай уринишга Африкадаги барча халқларга қарши қаратилган «агрессия ҳаракати» деб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мандатини ва Уставини онгли равиш[illegible] бузиб, умумий тинчлик ва [illegible]ликка таҳдид солиш деб [illegible] деган гапни Комитет [illegible]киб қўйиши керак, деб [illegible]

Бош Ассамблея, ўз гражданлари Ғарби-Жанубий Африкадаги халқаро компанияларга эгалик қилаётган ва шу компанияларни бошқараётган Жанубий Африка Республикаси, Англия, АҚШ ва бошқа давлатларнинг ҳукуматларидан ана шу компанияларга ҳар қандай мадад кўрсатишни тўхтатишни талаб қилмоғи ҳамда улардан Жанубий Африка Республикасининг ҳукумати билан муносабатларни узишни ва унга молиявий ва бошқа хил мадад кўрсатишни тўхтатишни талаб қилмоғи керак.

Лекин, жаноб раис, шу нарса маълумки, Жанубий Африка Республикаси шаънига ўтмишда қилинган огоҳлантиришлар, уни қоралаб айтилган гаплар, даъватлар ва ҳоказолар лозим бўлган натижани бермади ва, эҳтимол, ҳеч ҳам бермаса керак. Ғарби-Жанубий Африкага нисбатан декларацияни жорий этиш масаласи ўша ерда Жанубий Африканинг иркчи ҳукумат маъмурлари ҳозир бўлганлигига тақалиб турганлигига ҳаммамиз аминмиз. Нақадар кўнгилсиз бўлмасин, лекин шуни айтиш керакки, улар Ғарби-Жанубий Африкада маълум жиҳатдан БМТнинг фотиҳаси билан турибди, чунки Уставга ва бошқа асос солувчи ҳужжатларга кўра, БМТ мандатли территория бўлмиш Ғарби-Жанубий Африка ҳусусидаги мажбуриятни Миллатлар Иттифоқидан ўз зиммасига олган.

Шундай савол туғилади: Ҳўш, Жанубий Африка Республикаси мандатни жиноятқорона равишда суиистеъмол қилаётганини қарийб 20 йилдан бери йилдан-йилга кайд этишга мажбур бўлаётган БМТ шундай вазиятда ўз-ўзидан муқаррар суратда келиб чиқадиган амалий чорани нима учун ҳанузгача кўрмади. — Жанубий Африка Республикасининг жиноятчи иркчилик режимини Ғарби-Жанубий Африкага берилган мандатдан маҳрум қилмади?

Жанубий Африка Республикасининг ҳукуматини Ғарби-Жанубий Африкани идора қилиш учун берилган мандатдан маҳрум қилиш ва шу тарика уни Ғарби-Жанубий Африка территориясида туриш учун ҳар қандай, ҳатто расмий асослардан маҳрум этиш зарурлиги ҳақида БМТ доираларида айтилаётган мулоҳазага совет делегацияси ҳам қўшилади.

24 лар Комитети ўзининг 1965 йил июнь ойида Африкадаги мажлислари вақтида қабул қилган резолюция муносабати билан бош секретарнинг циркуляр нотасига жавобан СССР нинг БМТдаги вакили юборган хатда Совет Иттифоқининг Ғарби-Жанубий Африка тўғрисидаги масалада тутган позицияси яна бир карра баён қилиб берилди. Ана шу хатда Совет Иттифоқи Жанубий Африка Республикаси билан ҳеч қандай муносабатлар боғлаган эмас, деб кўрсатилади.

Совет Иттифоқи 24 лар Комитетининг 1965 йил 17 июнь резолюциясидаги ҳамма қоидаларни қатъиян қўллаб-қувватлайди ҳамда Жанубий Африка иркчиларининг ҳукмронлиги остида бўлган Ғарби-Жанубий Африка халқининг курашига нисбатан ўзининг муносабатида озодлик ва мустақиллик учун курашга қўзғалган халқларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашдан иборат принципиал позициядан келиб чиқади.

Бинобарин, жаноб раис, жаноб делегатлар, Совет Иттифоқи делегацияси Жанубий Африка Республикасининг ҳукуматига нисбатан кескинроқ чоралар кўришни, шу жумладан, мажбурлаш чоралари кўришни талаб қилиб келди ва талаб қилади. Совет Иттифоқи делегацияси Жанубий Африка иркчилари томонидан Жанубий Африка Республикасида, шунингдек Ғарби-Жанубий Африкада ўтказилаётган мудҳиш апартеид сиёсатининг пайини қирқишга ҳамда мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияни Ғарби-Жанубий Африкага нисбатан дарҳол амалга оширишга қаратилган бошқа ҳар қандай тавсияларни қўллаб-қувватлашга тайёрдир.

Редактор М. КОРИЕВ.